Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

24 АВГУСТ, 1982 ЙИЛ СЕШАНБА № 192 (2.598). Баҳоси 3 тийин.

СССР ЙИЛЛИГИГА ЗАРБДОР ҲАФТАЛИКЛАР

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига давом этаётган зарбдор ҳафталикларда республикамиз дала ва фермаларининг марди-майдонлари совет кишиларига хос фидокорлик намуналарини кўрсатмоқдалар.

23 августдан бошланган қирқ иккинчи зарбдор ҳафталик Совет Қозоғистонига бағишланади.

МАВСУМ ШИОРИ:

ЮКСАК СУРЪАТ, АЪЛО СИФАТ

ОҚОЛТИН РАЙОНИДАГИ «АНДИЖОН» СОВХОЗИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ҲОСИЛ ЙИҒИМ-ТЕРИМИНИ ҚИСҚА МУДДАТДА ЎТКАЗИШ ВА ЮҚОРИ СИФАТЛИ ПАХТА ТОПШИРИШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН

ТАДБИРЛАРИ

Бу йил барча совет кишилари қатори совхозимиз меҳнаткашлари учун ҳам ғоят масъулиятли йил. Чунки, СССРнинг 60 йиллик шоҳли юбилейи тантанали нишонланади. Шундай қутлуғ йилда КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини изчил амалга ошира бориб, давлатга мўл ва сифатли «оқ олтин» етказиб беришга азму-қарор қилган эканмиз, сўзимизнинг устидан чиқиш учун фидокорона меҳнат қилмоғимиз даркор. Ҳар қачонгидан ҳам баракали ишлашимиз, етиштирилган ҳосилни сира нобуд қилмасдан қисқа муддатларда териб олиб, эл хирмонига фақат аъло сифатли хом ашё етказиб бериш — қалбимиз амри, виждон бурчимиздир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев республикамизга Ленин ордени топширилишига бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган нутқида пахтакорларнинг меҳнатига юксак баҳо берди. Шу билан бирга унинг пахта сифатини яхшилаш тўғрисида берган кўрсатмалари ва йўл-йўриқларини ўз меҳнат фаолиятларининг дастурламали деб билган деҳқонларимиз бугуни кунга келиб барча далаларда мўл ҳосил етиштиришга эришдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги, Пахта саноати министрликларининг, республикадаги колхоз ва совхозларнинг 1982 йил ҳосилини йиғиштириб олишга тайёргарликни тугаллаш ва ўрток Л. И. Брежневнинг пахта сифатини ошириш ҳақидага йўл-йўриқларини бажариш соҳасидаги иши тўғрисида» қабул қилган қарори йиғим-терим мавсуми учун муҳим программа бўлиб хизмат қилади.

Юбилей йилини зафарлар йилига айлантиришга аҳд қилган қўрқ совхозимиз чўлқуварлари эрта баҳордан зиммаларига оширилган социалистик мажбурият қабул қилган ҳолда фидокорона меҳнат қилмоқдалар. **Бу йил давлатга планда белгиланган 12 минг тонна ўрнига 15 минг тонна юқори сифатли пахта етказиб бериш мақсадида ғўза парваришини юксак агротехника қоидалари асосида олиб бордилар. Натижада 4400 гектар майдонда мажбуриятга яраша ҳосил тўпланди. Ҳозир ҳар туп ғўзада 15—16 тадан ҳосил шохлари, 8—10 тадан бўлиқ кўсак бор.** Парвариш эса қизғин давом эттириляпти.

Маълумки, хўжалигимиз кўрқ совхоз бўлганлиги учун ишчи кучи кам. Шу сабабли чигит экишдан тортиб, пахтани йиғиб-териболгунгача бўлган барча ишлар техника зиммасига юклатилган. Бу билан биз ҳар томонлама ютамиз. Машиналарни унумли ишлатиб, ғўзаларни агротехника мудлатларида парваришлаш, озиқлантириш ишларини ўз вақтида Тошкент технологияси асосида ўтказишга эришдик. Шунинг учун ҳам ғўза ривожи тезлашиб, ҳосил барвақт пишиб етилмоқда. Техникадан ана шундай унумли ва самарали фойдаланиш туфайли маҳсулот таннархи арзонлашмоқда. «Оқ олтин»нинг сифати эса яхшиланмоқда. **Бу йил ҳам ҳар центнер пахтани белгиланганидан 3—4 сўм арзонлаштиришга эришиш ниятидамиз. Умумий ҳосилнинг 85—90 процентини фақат юқори сортларга топширамиз.**

Етиштирилган мўл ҳосилни қисқа муддатларда саранжомлаб олиш ҳар жиҳатдан тўғри агрегатларидан унумли фойдаланишга боғлиқдир. Бунда механизаторлар бутун маҳоратларини ишга солган ҳолда иш юритаётганлиги кўл келяпти. Ҳосил қанча барвақт ва сифатли териб олинса, хўжалик ҳар жиҳатдан фойда қилади. **Биринчидан,** ҳосилнинг ҳаммасини ўз кучимиз билан йиғиштириб олишга эришамиз. **Иккинчидан,** шаҳарлик ёрдамчиларни безовта қилишга ҳожат қолмайди. **Учинчидан,** ортиқча сарф-харажатлар камаяди. Шуни назарда тутиб, пахта йиғим-теримига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўряпмиз. Ҳар бир техниканинг бекаму-кўст созланиши устидан қатъий назорат ўрнатяпмиз.

Ҳар йилгидек бу йилги йиғим-терим тақдирини ҳам машиналар, уларни моҳирлик билан бошқарадиган дала гвардиячилари ҳал қилади. Бу эса машина теримига зўр беришни, ҳар бир агрегатдан оқилона фойдаланишни, уларнинг бирор дақиқа ҳам тўхтаб қолишига йўл қўймасликни, теримни дала-бункер-тележка-тайёрлов пункти поток усулида ташкил этишни талаб қилади.

Бу йил совхозимиз бўйича ялпи ҳосилнинг 95 процентини, планда белгиланган пахтанинг ҳаммасини «зангори кема» бункерларидан бўшатишни кўзда тутганмиз. Шунга етарли техника бор. Мавсумда 145 терим машинаси ва бошқа механизмларнинг юқори унум билан ишлаши учун етарли шароит яратилади. Теримда ипатоволиклар методини кенг қўллаш мақсадида 8 та терим-транспорт отряди ташкил этилди. Бу отряллар 32 та звенога бўлинади. Ҳар бир звенода 5—6 тадан терим машинаси ишлайди. Терим транспорти отрядларининг юксак суръат, аъло сифат билан ишлаши учун ҳозирдан пухта тайёргарлик кўриляпти.

Машина терими ва терилган пахта сифати ҳақида гап кетганда далада бегона ўтларнинг бўлмаслиги назарда тутилади. Бегона ўт теридаган ҳосилнинг сифатини пасайтиради. Шуни ҳисоба олиб, барча пайкалларда бегона ўтнинг бўлмаслиги учун курашилмоқда.

Ҳозирги кунларда қилинадиган ишлар ҳар қачонгидан ҳам кўп ва масъулиятли экانлиги ҳаммага аён. Ғўза парваришини биринчи сентябрга давом эттириб, пахта йиғим-теримига ҳар томонлама намунали тайёргарлик кўрамиз. Ҳар бир механик-ҳайдовчи алоҳида тайёрланмоқда. Битта «зангори кема»га иккита механик-ҳайдовчи бириктириб қўйилган. Шу билан бирга пахта йиғим-теримида қатнашувчиларга қулай шароит яратиб берилишига алоҳида эътибор берямиз. Уларнинг баракали меҳнат қилишлари учун ҳамма шароит муҳайё. **Шу йўл билан мавсумда машиналар иш унумини ўртача 20 процентга ошириш эришамиз. Илгор механик-ҳайдовчиларимиз эса 200—250 тоннадан «оқ олтин» теришга сўз беришган.** Илгорлар тажрибасини кенг ёйиш, муваффақиятларимиз омили бўлиб хизмат қилянти. **Мавсумда ҳар куни 8—10 тоннадан пахта теридиган механизаторлар тажрибасини кенг ёямиз.** Шу йўл билан терим суръатини оширамиз. Бизнинг механизаторларимиз кўп пахта териш билан бирга, унинг саноатимиз учун ниҳоятда зарурлигини ва аҳамиятини англаган ҳолда сифатига алоҳида эътибор беришади. **Сифат бу йил ҳамманинг эътиборида бўлади. Ҳосилнинг асосий қисмини юқори сифатларга топширишни мўлжаллаганмиз.** Бунга қандай қилиб эришамиз? Бу саволга жавобимиз аниқ: биз ҳар бир пайкални терим-транспорт отрядларига бўлиб берамиз. Отрядларда эса маълум майдонлар механик-ҳайдовчиларга тақсимлаб берилади. Бу ердаги пахтани қайси механик-ҳайдовчи териб олиши махсус тахтачага ёзиб қўйилади. Механизатор қайси пайкалда пахтани қачон ва қандай теришини олдиндан белгилаб олади. Теримни бундай ташкил қилиш биринчидан механизаторнинг масъулиятини оширса, иккинчидан пахтанинг сифатига теришини таъминлайди.

Терим-транспорт отрядларининг иши аниқ план асосида, кундалик график бўйича ташкил этилади. Бу муваффақиятни таъминлаш гарови бўлиб хизмат қилади. Биз ҳар бир агрегатнинг икки сменада бетўхтов ишлашини таъминлаш ва юксак унумлорликка эришишнинг биринчи даражали вазифа қилиб қўямиз. Терим-транспорт отряллари иш унумини ошириш, механизаторларга кўнгилдагидек хизмат қилиш учун қатор тадбирлар амалга оширилади.

Терим олдидан амалга ошириладиган ишлар мавсум муваффақиятини белгилайди. Ер тайёрлаш отрядига бир нечта бульдозер, скрейпер ва грейдерлар бириктирилади. Улар ёрдамида карталарнинг бошлари, ўқариқлар барвақт ва сифатли текислаб қўйилади. Техника хизмати кўрсатиш отряди эса терим машиналарини даланинг бошида созлайди. Бу отряд ихтиёрига иккита кўчма устахона, зарур агрегатлар бериб қўйилади. Бундан ташқари 15 та кўрак увиш, 10 дан ортиқ кўрак чувиш агрегатлари ҳам ремонт қилиниб, мавсумга шай ҳолга келтирилган. Биз ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам терим суръатини сусайтирмаслик чора-тадбирларини кўриб қўйганмиз.

Дефолиацияни ҳам энг қулай агротехника муддатларида ўтказишни таъминлаймиз. Кўсакларнинг 65—70 проценти очилганда машина терими бошлаб, йиллик пахта тайёрлаш планини 20 иш кунида бажарамиз.

Совхоз маъмурияти ва партия комитети пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказиш учун зарур бўлган барча тадбирларни кўради. Йиғим-терим пайтида социалистик мусобақани янада кучайтириш, коммунистларнинг олдинги сафда бўлишини таъминлаш, бутун коллективнинг фаолиятини терим суръати ва сифатини кучайтиришга қаратиш кўзда тутилган. Терим-транспорт отрядлари меҳнат унумдорлигини ошириш ва пахтанинг юқори сифатли бўлишига эришиш мақсадида механизаторларни рағбатлантиришга катта эътибор берилади. Ҳар бир терим-транспорт отряди ишлари ҳар беш кунда якунланиб борилади ва голиб чиққан коллективга кўчма Қизил байроқ билан бирга пул мукофоти берилади. Кўп ва сифатли пахта терган механизаторга эса вимпел ва 20 сўм пул мукофоти таъсис қилинган.

Йиғим-теримда ипатоволиклар методини кенг қўллаш ҳар йили ҳам яхши самара беряпти. Кўпгина илгор механизаторларимиз бу методга қатъий амал қилаётганликлари туфайли ҳам мавсумда 200—250 тоннадан пахта теришга эришмоқда. Шакарбек Акбаров, Очил Хоққулов, Ибратим Очилов, Исмоил Турсунбоев, Мирзабек Эгамбердиев каби механик-ҳайдовчилар йиғим-терим палласида юқори кўрсаткичга эришдилар. **Мана шундай тажрибали механизаторларимиз ҳиммати ва ғайратшижоати туфайли мавсумда ҳар куни ўртача йиллик планнинг 4—5 процент миқдорида, қизғин паллада эса 8—10 процент миқдорида пахта тайёрлов пунктларига етказиб берилади.**

Чўл шароитида 40—45 центнердан ҳосил кўтариш пахтакорлардан, жуда катта маҳорат, тажриба ва омилкорлик талаб қилади. Совхозимизда мана шундай пахта усталари йил сайин кўпайиб бораётганлигидан фахрланамиз. Исмоил Турсунбоев, Янгибой Бойтмуродов, Алдаберген Жолтаев, Тожиддин Худойбердиев, Камол Норқулов каби уста пахтакорлар бошлиқ бригадаларда 40—45 центнердан ҳосил кўтариш мўлжалламоқда. Бу илғорлар даласида йиғим-терим ишлари қам тез ва уюшқоқлик билан ўтказилади. **Йиллик пахта тайёрлаш плани эса 10—12 иш кунида бажарилади.** Улар ана шундай муваффақиятга эришиш учун сабот билан ишлашяпти.

Бугунги кунда совхоз далаларида мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил тўпланди. **Бу йил давлатга планда белгиланганидан 3 минг тонна кўп «оқ олтин» етказиб берамиз.** Юбилей йили пахта хирмонининг юксак бўлиши, етиштирилган қимматбаҳо дурдонамизнинг қисқа муддатларда қабул пунктларига етказиб берилиши ғайрат-шижоатли механизаторларимизга боғлиқдир. Совхозимизнинг меҳнат аҳли бутун эътиборини, куч-ғайратини шу юксак хирмонинг муваффақиятли бунёд этишига қаратмоқда. Пахта — бизнинг бебаҳо бойлигимиз, дастурхонимиз кўрки, юпанчимиз ва файзбарақаси, турмушимиз фаровонлигининг манбаи экانлигини қалбдан ҳис қилган ҳолда зиммага олган юксак мажбуриятларни қисқа муддатда бажаришни таъминлаш учун фидокорона меҳнат қиламиз.

Омон ОДИЛОВ,
совхоз директори.
Бейсенбой САБЕНОВ,
партком секретари.
Иброҳим ҚИРОНОВ,
терим-транспорт отряди бошлиғи.
Шамши ҚУРБОНОВ,
комплекс механизациялашган бригада бошлиғи.
Усен АКБЕРДИЕВ,
механик-ҳайдовчи.





Бўз районидаги «Ленинчи» совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуфаттох Солиев бошлиқ бўлими пахтакорлари барча майдонларда мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил тўпладилар. Деҳқонлар бу йил ҳар гектар ердан 45 центнердан «оқ олтин» топширишга аҳд қилишган. Шу кунларда ғўза парваришини қизғин давом эттириш билан бирга йиғим-теримга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Бўлимдаги 16 та терим машинаси ва бошқа техника асбоб-ускуналари мавсумга шай қилиб қўйилди.

СУРАТЛАРДА: 1. Инженер У. Қобулов, бўлим бошлиғи А. Солиев ва механизатор Б. Солиевлар. 2. Мавсумга тахт қилиб қўйилган терим агрегатлари.

А. ТУРАЕВ фотолари.

МЕҲР ҚЎЙИБ

«СССРнинг 60 йиллик юбилейига 60 центнердан ҳосил етиштирамиз!» Ана шундай шиор остида меҳнат қилаётган Сариосиё районидаги Ленин номли колхозининг Хуррам Мамасолаев бошлиқ бригадаси аъзолари дала ишларини кун сайин қизиятирлар. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш ва суғориш бир-бирига боғлаб олиб борилмоқда. Ҳозиргача барча майдонлар 6 марта культивациядан чиқарилди. 3 марта озиқлантирилди ва 4 марта оби ҳаётга қондирилди.

Ғўзаларни серҳосил қилиб ўстириш учун механизатор ва сувчилар ишни ўзаро ҳамкорлик асосида ташкил этганлар. Сувчилар группаларга бўлиниб, икки сменада экинларга сув тарашяпти. Оби ҳаёт билан бирга ғўза қатор ораларига маҳаллий ўғит «шарбат» усулида оқизилмоқда. Бу борада Пўлат Мамараҳмов, Назар Отамуродов, Нормўмин Мамасолаев сингари мириштор сувчилар ҳамкасбларига ўрнак бўлишаётир

Н. САТТОРОВ.

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларини ҳамда СССРнинг Озиқ-овқат программасини изчиллик билан амалга ошираётган Тошкент районидаги К. Маркс номли колхоз деҳқонлари катта ғалабани қўлга киритдилар. Улар давлатга картошка, мева ва сабзавот маҳсулотлари сотиш йиллик планларини муддатидан илгари муваффақиятли бажардилар.

Колхоз деҳқонлари 1680 ўрнита 1750 тонна картошка, 8080 ўрнита 8105 тонна сабзавот маҳсулотларини топширидилар. Жумладан, 570 тонна ўрнига 985 тонна пиёз, 2700 тонна ўрнига 2750 тонна помидор, 880 тонна ўрнига 959 тонна бодринг ва бошқа турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилди. Ички имкониятларини ҳисоблаб чиққан хўжалик деҳқонлари давлатга яна 500 тонна картошка, 200 тонна сабзавот маҳсулотларини эл дастурхонига тортиқ қилишга аҳд қилдилар.

ДЎСТОНА ҚУТЛОВЛАР

Румин халқининг миллий байрами— мамлакат фашизм зулмидан халос қилинганлигининг 38 йиллиги муносабати билан Л. И. Брежнев ва Н. А. Тихонов ўртоқлар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва совет халқи номидан Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикасининг Президенти Ўртоқ Николае Чаушескуга ва Руминия Социалистик Республикаси ҳукуматининг Бош министри ўртоқ Константин Дасқалескуга, Руминия Коммунистик партиясининг Марказий Комитетига, Руминия Социалистик Республикасининг Давлат Кенгашига, ҳукуматига ҳамда бутун қардош румин халқига дўстона қутловлар ва энг яхши тилаклар йўлладилар.

Совет Армиясининг Руминия территориясига 1944 йил баҳорида кирганлиги, Ясси-Кишинёв операцияси давомида немис-фашист қўшинларининг қудратли гуруҳи қақшатқич тор-мор этилганлиги жинояткор Антонеску режимини таянчдан маҳрум этди, коммунистлар бошчилигидаги қуролли қўзғолон кўтариш ва мамлакатни фашизмдан озод қилиш учун қулай шароит яратди, дейилади телеграммада. Бу воқеа румин халқи тарихида туб бурилиш бўлиб, унга ватанни демократик ва социалистик негизларда ўзгартириш учун йўл очиб берди.

Социалистик қурилиш йилларида Руминия меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида, Совет Иттифоқи билан ва бошқа қардош мамлакатлар билан мустаҳкам ҳамкорликда турмушнинг ҳамма соҳаларида катта-катта муваффақиятларга эришганликлари совет кишиларини астойдил қувонтиради.

Совет кишилари Совет — Руминия ҳамкорлигининг салмоқли натижаларини мамнуният билан қайд этиб, Совет Иттифоқининг КПСС билан РКП, СССР билан РСР ўртасидаги, совет ва румин халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларни марксизм-ленинизм, социалистик интернационализмнинг синалган принциплари асосида, энг асосий қўшма ҳужжатларда баён этилган аҳдномалар негизида янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга муттасил интилаётганлигини тасдиқлайдилар. Телеграммада ишонч билдириб яна бундай дейилади: Совет — Руминия ҳамкорлигини ҳам икки томонлама асосда, ҳам Варшава Шартномаси ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида ривожлантириш иккала мамлакатнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушади, қардош халқлар революцион ғалабаларини ҳимоя қилишнинг ишончли кафили — халқаро хавфсизликни таъминлашнинг қудратли омили бўлмиш социалистик ҳамдўстликнинг бирлиги ва жипслигини мустқамлаш ишига хизмат қилади.

Совет Иттифоқи билан Руминия Социалистик Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатлари иккала мамлакат халқларининг бахт-саодати, жаҳон социализмининг манфаатлари йўлида бундай буён ҳам мустаҳкамланиб, ривожланаберади, деб телеграммада ишонч изҳор этилган.

Шу шонли кунда совет халқи Руминиянинг барча меҳнаткашларига ривожланган социалистик жамият қурилишида, социалистик ҳамдўстлик давлатларининг Европада ҳамда бутун дунёда тинчлик ва хавфсизлик учун биргаликдаги курашида янгидан-янги муваффақиятлар тилайди.

(ТАСС).

ЮКСАК МАЖБУРИЯТГА ЯРАША

Нишон районидаги «Ленинобод» совхози заршуносларининг юбилей йилида давлатга 5 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун курашмоқдалар. Ҳозир далада ана шундай юксак мажбуриятга яраша мўл ҳосил тўпланмоқда. Ғўза парвариши ҳар бир бўлим ва бригадада социалистик мусобақа асосида олиб борилянти.

Шомурод Ҳақмуродов бошчилик қилаётган бригада хўжаликнинг фахри ҳисобланади. Бригадада 250 гектар майдонда деҳқончилик қилинади. Аҳил коллектив ҳар гектардан 40 центнердан кўп дурдонаси етиштириш учун фидокорона иш олиб борянти. Бунда ака-ука Темир, Оқбўта, Умрзоқ ва Ўктам Абдиевларнинг ҳиммати, айниқса, таҳсинга лойиқ. Бу комплекс бригада аъзолари чигит экишдан тортиб ғўза парваришигача бўлган ишларни амалга ошириш билан бирга ҳосилни йиғиб-териб олишда ҳам актив иштирок этадилар. Ана шу азаматларнинг ғайратшижоати туфайли ҳосил кутилганидан знёда бўляпти. Бригада заршунослари ҳар гектар майдондан 50 центнердан ҳосил олишга аҳд қилган Муродилла Холмуродов бошчилик қилаётган бригада аъзолари билан мусобақалашишяпти. Ҳар икки бригадада ҳам иш шу кун талаблари асосида ўтказилаётганлиги туфайли ғўзаларда кўсаклар сони кундан-кунга кўпаймоқда.

И. РУСТАМОВ.

Бекобод районидаги «Ленинград» совхози пахтакорлари областда биринчилар қаторида ғўза дефолиациясини бошлаб юбордилар. Бу йил хўжалик коллективи эл хирмонига 6 минг тонна юқори сифатли «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини қабул қилган. Ҳозир далаларда йиғим-теримга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Дефолиацияни қисқа муддатда, сифатли ўтказиш тадбирлари амалга оширилянти. Асосий майдонларда бу муҳим тадбир тракторлар ёрдамида амалга оширилмоқда.

СУРАТДА: ОВХ аппаратчи ёрдамида ғўзани дефолиация қилиш пайти.

Ж. ТУРАЕВ фотоси.

ОРБИТАДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 22 август. (ТАСС). Космонавтлар Анатолий Березовой, Валентин Лебедев, Леонид Попов, Александр Серебров ва Светлана Савицкаялар «Салют-7»— «Союз Т-5»—«Союз Т-7» орбитал комплекси ичида планлаштирилган тадқиқот ва экспериментларни бажаришни давом эттирмоқдалар.

Кеча ташриф экспедициясининг космонавтлари контрол медицина текширувидан ўтказилди. Комплекс яқинидаги атмосфера хоссаларини аниқлаш ҳамда станция ҳоналаридаги микроатмосфера параметрларини ўлчаш мақсадида техникавий эксперименталар ҳам ўтказилди.

Якшанбада орбитадаги иш куни эрталаб соат 9 да бошланиб ярим тунгача давом этди. Станция ичидаги системалар контрол қилинганидан кейин экипаж белгиланган ишларга киришди. Бугунги программага мувофиқ медицина текшируви, техникавий эксперименталар, телевизион репортаж ўтказилади.

Кунинг биринчи ярмида Светлана Савицкаянинг вазнсизлик ҳолатига кўникиш даврида вестибуляр аппарати ва бош миясининг сезгирлиги текширилиб кўрилди, шунингдек велоэргометрдаги жисмоний машқларни бажариш вақтида юрагининг биоэлектрик активлиги тадқиқ этилди.

Тушликдан кейин Леонид Попов билан Александр Серебровда «Эхограф» эксперименти ўтказилди, шу эксперимент чоғида юрак функциясини характерловчи кўрсаткичлар аниқланади.

Асосий экспедициянинг экипажи станциянинг техникавий қарори билан шуғулланади, илмий аппаратларни эртаги ишларга тайёрлайди, тренажерларда жисмоний машқларни бошқаради.

Белгиланган учиш программасига мувофиқ Попов, Серебров ва Савицкая ўртоқлар ерга «Союз Т-5» кемасида қайтиб тушадилар. Шу кемани қайтаришга тайёрлаш учун космонавтлар «Союз Т-7» кемасидаги ўринларининг индивидуал ложементларини ечиб олиб, уларни «Союз Т-5» кемасининг туширилувчи аппаратига ўрнатдилар.

Орбитадан берилган ахборотга ва телеметрия информациясига маълумотларига қараганда, «Салют-7» — «Союз Т-5» —«Союз Т-7» илмий-тадқиқот комплексининг учиш планлаштирилган программага тўла мувофиқ равишда ўтмоқда.

Светлана Савицкая, Анатолий Березовой, Валентин Лебедев, Леонид Попов ва Александр Серебровларнинг кайфияти яхши.

АМАЛДАГИ ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ

ҲАМЖИҲАТЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Улкан советлар мамлакатининг кичик, аммо нурли зарраси бўлган хўжалигимизда интернационализм ажойиб ҳаётий ҳақиқат сифатида намоён бўлмоқда. Бу қудратли куч кишиларни бир оила фарзандидек ахил бўлиб яшашга, ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилишга ундамоқда. Зотан колхозимиз кўп миллатли, сергармоқ хўжалик. Унда 11 миллат вакиллари қўлни-қўлга бериб ишлаяпти. Бундан 45 йил муқаддам колхозимиз янги ташкил топган пайтда, бу ерда асосан ўзбеклар, корейслар, қозоқлар меҳнат қилишарди. Кейинчалик қўшни Қорақалпоғистон АССРдан, мамлакатимизнинг бошқа жойларидан турли миллат кишилари келиб сафимизга қўшилишди. Ўша даврда — урушдан олдинги йилларда барча қийинчиликлар биргаликда мардонаворлик билан бартараф этилди. Ташвишлар ҳам, қувончлар ҳам ўртада баҳам кўрилди. Ҳужжатларни варақлайман. Урушдан илгари колхознинг 200 гектар ери бўлган. Ҳар гектар ердан 21 центнердан шоли ҳосили олинган.

Ҳозирда эса аҳвол бутунлай ўзгариб кетган. Қишлоқда 14 мингдан зиёдроқ аҳоли яшаяпти. Территория 8103 гектарни ташкил этади. 1850 гектар майдонда пахта, 1050 гектар ерда шоли етиштирилмоқда. Ўнинчи беш йилликда ҳар гектар ердан 41 центнердан «оқ олтин», 68 центнердан шоли йиғиштириб олинди.

Кўплашиб, кўмаклашиб қилинган бунёдкорлик ишлари хўжалигимизнинг ҳар бир аъзосига шон-шараф ва шуҳрат келтирди. Агар эллигинчи йилларда ишондорлар бармоқ билан санарли бўлса, ҳозирда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, 35 Ленин ордени кавалери борлиги билан ҳақли равишда фахрланамиз. СССРнинг бошқа орден ва медаллари билан мукофотланганлар сони 130 га етди.

Съезаллар йилида муваффақиятлар янада кўпайтирилди ва мустаҳкамланди. Об-ҳаво ноқулай келса-да, пахтакорларимиз йиллик планни 117,4 процентга, новликорларимиз эса 128 процентга бажаришди. Колхозимиз меҳнаткашлари юқори кўрсаткичларга эришганликлари, мусобақада ғолиб чиққанликлари туфайли, Вазир қишлоқ Совети Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Касаба Союзлари республика Советининг Дипломини олишга муяссар бўлди. Қишлоқ Советининг 90, район Советининг 20, область Советининг 3 депутати бу совринни олишга салмоқли ҳисса қўшди. Маҳаллий Советлар депутатлари ҳам турли миллатга мансуб кишилардир.

Дарвоқе, интернационализмнинг ҳаётбахш кучи бениҳоя каттадир. КПСС Марказий Комитетининг СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисида қабул қилган қарорида таъкидлаганидек «Коллективчилик ва ўртоқчилик муҳити, барча миллат ва элатларнинг жинслиги, дўстлиги, жамиятимизнинг маънавий соғломлиги, чинакам демократизм ва социал оптимизм, социалистик ахлоқдан чекиниш ҳолларига нисбатан муросасизларча муносабатда бўлиш совет турмуш тарзининг энг муҳим кирраларидир. Мамлакатимизда мустаҳкам қарор топган миллатлараро муносабатларнинг юксак инсонпарварлиги капиталистик мамлакатлардаги миллий зиддиятлар кескинлашган, уларда миллатчилик, шовинизм ва иржчилик авж олган бир шароитда айниқса яққол намоён бўлмоқда». Ў қишлоғимизда янгича кучянгича мазмун касб этмоқда. СССРнинг ярим асрлик тўйи нишонланган кунда колхозимизда Дўстлик боғи барпо қилинганди. Унга дастлаб ниҳол қадаганлар, қардош Туркманистон ССРнинг Тошховуз, Қорақалпоғистон АССРнинг Амударё районларидан келган турли миллатга мансуб меҳнат намоёндалари — ишлаб чиқариш илғорларидир. Ўтган давр ичида бу боғ анча кенгайди. Даставвал бир неча гектарни ташкил этган боғ ҳозир 25 гектарлик майдонни эгаллайди. Ҳар йили баҳорда қардошлар қишлоғимизга ташриф буюриб бу боққа кўчат ўтказишади, ўзаро гурунг қуришади, ютуқларини, тажрибаларини баҳам кўришади. Бу анъанага айланиб қолди.

Яқинда шу боққа илк бор ниҳол ўтказган, қардош республикаларда яшаб меҳнат қилаётган кишилар колхозга таклиф этилиб, дўстлик кечаси ўтказилади. Бу тадбир СССРнинг 60 йиллигига бағишланади.

Бир дарёдан сув ичиб, бир осмон остида яшаётганлигимиз, қиз олиб, қиз бераётганлигимиз билан ғоят фахрланамиз. Колхозимиз аъзоларидан Карим Тлеуов, Гулмира Сафарбоевлар ҚҚАССР Беруний районидан қорақалпоқ қизларига уйланишди. Тўхтажон Гойибова исмли қизимизни эса Беруний шаҳрига узатдик. Колхоз қурилиш бригадаси бошлиғи Иннокентий Нижукраин қизи Александра Антоновнага уйланган. Улар Москвада ўқиш чоғида танишишган. Анвар Ҳамидуллин эса бошқирд қизи Альфия билан ҳаётини боғлаган.

Улуг Ватан урушида жон олиб жон берган элдошларимиз бошқа республикалардаги собиқ қуролдошлари билан хат олишяптилар. 30-бригада аъзоси Ортиқ Бобожонов ҳар йили Новороссийск шаҳрига — қуролдошлари ҳузурига бориб қайтгач, олган таассуротларини ёш колхозчиларга гапириб беради. Қардош халқлар биллан дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда Усмон Юсупов номли мактаб-интернатда ташкил этилган интернационал дўстлик клуби аъзолари айниқса фаоллик кўрсатишяпти. Улар ГДР, ЧССР, Белоруссиядаги тенгдошлари билан мунтазам хат-хабарлар айирбошлаяпти-лар. Шунингдек, Совет Армияси сафларида она-Ватан олдидаги фарзандлик бурчини ўтаётган вазирлик ёшлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган.

Миллатидан қатъий назар колхозимизнинг ҳар бир аъзоси қардошлик қонуни асосида яшаб ва меҳнат қилиб коллектив ютуғини кўпайтиришга салмоқли улуш қўшяпти. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Пакни воҳамизда «сариқ олтин»нинг мислсиз ижодкори сифатида танишади. Унинг бригадаси йил сайин шолидан юқори ҳосил олиб келяпти. Янги беш йилликнинг дебоча йилида бригада ҳар гектар ердан 85 центнердан ҳосил йиғиб олди. Бу йил ана шу маррадан ошиш мўлжалланмоқда. Кичик коллективда ўзбек, қозоқ қорақалпоқ фарзандлари аҳиллиқда меҳнат қиляптилар.

Хоразмнинг уста пахтакори, Ленин ордени кавалери, область партия комитетининг аъзоси бригадир Оллям Маткаримовни бутун воҳа танийди. Унинг коллективи СССР 60 йиллигига 60 центнердан ҳосил кўтариш, бригада бўйича 1 минг тонна пахта етиштириб она-Ватанга армуғон этиш ташаббуси билан чиқди. Бу ташаббусни колхоз правленнеси, партком, район партия комитети, обком маъқуллади. Шунингдек, Ленин ордени нишонлари, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, район Советининг депутати Гулиммат Ҳайтимматов бошлиқ бригада пахтакорлари юбилей шарафига 60 центнерлик маррадан ошишни кўзлаяптилар. Бу бригаларда айни кунларда ҳосил тўплаш ишлари ўқишқоқлик билан олиб бориляпти.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, Л. И. Брежнев Ўзбекистонга Ленин ордени топширишга бағишланган Тошкент тантаналарида сўзлаган ёрқин илҳомбахш нутқида таъкидлагандек интернационализм яшамоқда, тантана қилмоқда. Унинг ҳаётбахш чашмасидан ҳар биримиз баҳраманд бўляпмиз. Ана шу дўстлик, қардошлик ғоялари, Советлар мамлакати юбилейи шарафига 46 центнерлик «оқ олтин», 70 центнерлик шоли хирмони уйиш учун кетаётган қизғин курашимизда қудратли куч бўлиб майдонга чиқяпти.

Алексей КИМ,
Хоразм область Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси.

Уйғур районидаги Жданов номли колхозда яқинда ишга туширилган комплексда ҳозир 200 бош бузоқ асралмоқда. Чорва туғғини ва сигирлар бош сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор бераётган хўжалик чорвадорлари бузоқларнинг соғлом ва дуркун ўсишини таъминлашмоқда.

Суратларда: (чапда) бузоқхона биносининг кўриниши. Ўнгда эса бузоқбоқарлардан Қ. Ҳамдамов ва О. Қамбаров ўртоқларни кўриб турибсиз.

А. Юсуфбоев фотолари.

МАҲСУЛДОРЛИКНИ ОШИРАМИЗ

Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхози пахтачилик билан бирга каноп-чилликка ҳам ихтисослашган хўжалик ҳисобланади. Ўтган йили 550 гектар майдонга луб экинлари экилиб, ҳар гектар ердан 172 центнер «кўк олтин» етиштиришга эришилганди. Бу хўжаликка 1,5 миллион сўм даромад келтирди.

Лубкорлар бу йил ҳам шунча гектар майдонда каноп-дан мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳозир колхоз далаларида бўлган киши қизғин меҳнат устидан чиқади. Шерман Усмонов, Турсун Ўрозов, Раиса Кегай ўртоқлар бошчилик қилаётган бригада аъзолари каноп ўримини хўжаликда биринчи бўлиб бошлаб бердилар. Бу бригадалар бир-бирлари билан ўзаро мусобақалашиб иш тутишаётир. Уларнинг нияти ҳар гектар ердан 240—250 центнердан каноп ҳосили олишдан иборат. Бригадалар ўртасидаги меҳнат беллашувида Турсун Узоқов бошчилик қилаётган коллектив пешқадам бўлянти. Улар каноп ўримини беш иш кунида тугаллаш учун қурашмоқдалар.

КАНОП ЎРИМИ ҚИЗҒИН

Ҳозир хўжалик далаларида 14 комбайн, 400 нафардан зиёд колхозчи каноп ўримида иштирок этмоқда. Комбайнчи Сирожиддин Дадабоев кунлик иш нормасини 1,5—2 ҳисса бажариб, ҳамкасблари таҳсинига сазовор бўлаётир.

— Бу йилги ҳосилимиз ўтган йилдагидан анча мўл бўлди, — дейди биз билан суҳбатда колхоз бош агрономи Д. Юн. — Ниятимиз ҳар гектар ердан 220 центнердан «кўк олтин» олишдир. Каноп ўримини қисқа муддатда ўтказамиз. Бунинг учун далами-зда иш кундан-кунга қизғин тус олмоқда.

Бош агроном айтганидек, далаларда юксак меҳнат симфонияси ҳукмрон. Хўжалик лубкорлари пахта йиғим-терими бошлангунга қадар каноп ҳосилини ғўриб олиш учун бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишламоқдалар.

А. НАБИҲЎЖАЕВ.

Маълумки, чорвачиликни ривожлантиришнинг биринчи муҳим омили мустаҳкам озуқа базасини барпо этишдир. Кейинги йилларда озуқа экинлари майдонини кенгайтириш ва ҳосилдорликни ошириш диққат-эътиборда турибди. Ўтган йили 780 гектар майдонга озуқа экинлари экилди. Шундан 549 гектар ерда беда, 203 гектар ерда маккажўхори, 22 гектар майдонда бўғдой, 121 гектар ерда арпа, 22 гектар ерда лавлаги етиштирилди. Улардан ҳаммаси бўлиб 5200 тонна силос, 11,5 минг тонна дағал ҳашак ва бошқа озуқа маҳсулотлари тайёрланди.

Чорвачилик комплекслари қуриш, ҳайвонларни парвариш қилиш, сут соғиб олиш ишларини механизациялаш масалаларига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Совхозда замонавий чорвачилик комплекслари қурилган бўлиб, бу ердаги машина ва механизмлар кучидан унумли фойдаланилмоқда. Озуқа тайёрлаш цехлари намунали ишлаб турибди. Фермалар ўз касбини севган малакали мутахассислар ҳамда меҳнатсевар кишилар билан мустаҳкамланиб бормоқда. Амалга оширилаётган бу тадбирлар эса ўзининг қувончли самарасини бермоқда. Сўзимнинг далили сифатида бир неча рақамларни келтириб ўтаман: ўтган йили 358 тонна гўшт ишлаб чиқарилиб, шундан 226 тоннаси давлатга сотилди, 1360 тонна сут қабул пунктларига етказиб берилди, 370 минг тухумдан 288 минг донаси халқ дастурхонига армуғон этилди. Чорвачилик маҳсулотлари кўпайиб бораётганлиги ҳамда ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилинганлиги орқасида 84 минг сўм соф фойда олишга эришилди. Бу бир йил олдингига нисбатан 14 минг сўм ортиқ, демакдир.

Партия ва ҳукуматимизнинг чорвачиликни ривожлантириш юзасидан кўрсатмаларини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этаётган мўлкўлчилик ижодкорлари 1982 йилга ҳам катта орзу-ниятлар билан қадам қўйган эдилар. Бошқачасига айтганда, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига нишонланадиган қутлуғ юбилей йилида она-Ватанга ўтган йилдагига қараганда анча кўп, 270 тонна гўшт, 1400 тонна сут, 240 минг дона тухум, 121 центнер жун армуғон этиш, олинадиган соф фойдани эса камида 100 минг сўмга етказиш кўзда тутилмоқда.

Ана шу эзгу ниятларимизни амалга оширилянти. Озуқа экин майдонлари кенгайтирилиб, 785 гектарга етказилди. Бу йил тайёрланадиган силос миқдорини бултургидан 800 тоннага, дағал ҳашакни 500 тоннага кўпайтиришни планлаштирганмиз. Ҳозирдаёқ 700 тоннага яқин беда пичани жамгариб қўйилди. Ҳар гектар беда майдонидан камида 200 центнердан пичан олиш учун қураш бормоқда.

Ишлаб чиқаришнинг барча тармоғида бўлганидек, совхоз фермасида ҳам сифат ва самарадорлик учун қураш асосий шиорга айланган. Машина ва механизмлардан оқилона фойдаланиш, беҳуда сарф-харажатнинг йўлини тўсиш орқали етиштирилаётган маҳсулот таннархи арзонлашмоқда. Йилнинг ярим йиллик натижалари буни яққол кўрсатиб турибди. Биз ярим йиллик план-топшириқларни барча кўрсаткичлар бўйича знёдаси билан бажардик.

Чорвачиликни ривожлантириш, муҳими, ҳайвонлар бош сонини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш борасида сўз кетганида, ветеринария хизмати ролини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Ҳар бош ҳайвон соғлом бўлганда, турли хил юқумли касалликлар олди олинганда ва профилактика ишлари намунали йўлга қўйилгандагина мақсадга эришиш мумкин. Бу соҳада бир мунча ишлар қилиняпти. Натижада кейинги 4—5 йил давомида ҳайвонларнинг касал бўлишига йўл қўйилмади.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорлари совхоз чорвадорларини янада ёрқин уфқлар сари чорламоқда. Фермаларда ҳайвонлардан кўпроқ насл ва маҳсулот олиш учун социалистик мусобақа ҳаракати кенг қулоч ёзиб бормоқда. Бу қурашда молбоқарлардан Мухторжон Мирзақулов, Қамбарали Ҳайдаров, Хадича Мирзақулова, юбилей йилида ҳар бош сигирдан 3,5—5 минг килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилган Тўхтахон Қорабоева, Солия Омонова, Анорхон Давлатова. Маҳзура Мелибоева сингари марди-майдонлар олдинда бормоқдалар. Партиямизнинг Озиқ-овқат программасини тезроқ ва тўла-тўкис рўёбга чиқаришга бел боғлаган чорвадорларимиз чорва маҳсулдорлигини ошириш учун куч-ғайратларини аямайдилар.

В. ТОБОЛОВ.
Учқўрғон районидаги «Учқўрғон» совхозининг бош зоотехниги.

ҲОСИЛ САЛМОҒИ

Ҳозирги долзарб дамларнинг ҳар дақиқасидан оқилона фойдаланаётган Амударё районидаги «Қипчоқ» совхозининг 2-бўлимига қарашли Карим Қутибоев етакчилик қилаётган бригада аъзолари ғўза парваришини бир зум ҳам бўшаштиришмаётир. Улар юбилей йилида 67 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» етиштиришга қатъий бел боғлаганлар. Азаматлар ғўза парваришини ана шу юксак мажбуриятга яраша олиб боришаётир.

Бригада ниҳолларни қондириб суғориш икки смена-да ташкил этилган. Сув камчилиги туфайли сувчилар ҳар қатра оби-ҳаётни тежаб-тергаб, экинларга ўз вақтида сув тарашга алоҳида эътибор беряптилар. Ўразимбат Қутибоев, Гулбаҳор Матрисаева сингари тажрибали сувчилар ва Шомурод Ортиқов каби моҳир механизаторлар меҳнати туфайли ҳар туп ғўзада ҳосил салмоғи ортмоқда.

Х. ОТАМУРОДОВ.

БОҒЛАР БОЛГА ТЎЛДИ

Бахмал районининг боғбонлари шу кечаю-кундузда мева йиғим-теримини қизғин тус олдириб юборишган. Чуночи, боғлардан 1621 тонна сархил мева йиғиштириб олиниб, давлатга топширилди. Соҳибкорлар ўз маҳсулотларининг асосий қисмини сараланган ҳолда Узоқ Шарқ ва малакатимизнинг саноат марказлари аҳолиси дастурхонига тортиқ қилишмоқда.

Мева ҳосилини йиғиб-териб олишда «Гулбулоқ», «Партия XXIII съезди» ва «Партия XXIV съезди» совхозларининг боғбонлари пешқадамлик қилишмоқда. Гулбулоқликлар ҳозиргача 453 тоннадан зиёд, «Партия XXIII съезди» совхози меҳнаткашлари 360 тонна, «Партия XXIV съезди» совхози миришкорлари эса 210 тоннадан ортиқ мева тайёрлашга муваффақ бўлишди.

Боғбонлар юбилей йилида аҳоли дастурхонига камида 4 минг тонна сара маҳсулот етказиб беришдек эзгу мақсад йўлида йиғим-терим мусобақасини тобора қизитяптилар.

А. АЛПОМИШЕВ.

Лидия Иноятова Оржоникидзе районидаги Янги Тошкент консерва комбинатининг жонкуяр инженер-технологларидан бири ҳисобланади. У мураббо ва қиём ишлаб чиқариладиган участкада технологияга тўла амал қилиниши, маҳсулот сифатли бўлиши учун ўзининг билим ва тажрибасини сира аямаётир.

СУРАТДА: инженер-технолог Л. Иноятова.

М. Нуриддинов фотоси.

ҲАР БИР ХЎЖАЛИКДА ХИМИЯЛАШТИРИШ ПУНКТИ БЎЛСИН

Мутахассис минбари

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «КПСС XXVI съезди талаблари асосида республика колхоз ва совхозларида минерал ўғит ва заҳарли моддалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда уларни яхши сақлаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш агросаноат комплексининг биринчи даражали вазифаси эканлиги таъкидланган эди.

Кейинги ўн йил мобайнида республикамизда минерал ўғитлардан фойдаланиш миқдори 753,6 минг тоннадан 1081,54 минг тоннага кўпайди. Шу жумладан, пахтачиликда фойдаланилган минерал ўғитлар ҳажми 787,74 минг тоннагача ўсди.

Минерал ўғитлардан фойдаланиш тобора ошиб бораётганлиги колхоз ва совхозлар материал-техника базасини янада мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига агрохимия хизмати кўрсатишнинг янги усулларини вужудга келтиришни тақозо этди.

Мамлакатимизда ихтисослаштирилган ягона агрохимия хизмати кўрсатишни йўлга қўйиш ва унинг материал-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисидаги партия ва ҳукуматимиз қабул қилган қарорда барча колхозлар ҳамда совхозларда химиялаштириш пунктлари ташкил этиш, уларни типовой омбор бинолари, техника воситалари билан таъминлаш кўзда тутилган.

Илғор хўжаликлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон шароитида ҳар бир хўжаликнинг ўзида химиялаштириш пункти ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бундай пунктларни ҳар бир колхоз ва совхозда ўғитларни тўла сақлаш, шунингдек, улардан оқилона ва юксак самарали фойдаланиш имкониятини берадиган жиҳозланган бинолар, сиғимлар қурилиши базасида ташкил этиш даркор.

Ички хўжалик химиялаштириш пунктлари Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг химиялаштириш пунктлари тўғрисидаги низомга мувофиқ тарзда иш юритади. Уларга қишлоқ хўжалик авиациясининг учиш-қўниши учун майдонлар, тарозилар, туширишюклаш механизмлари, ўғитни майдалайдиган ва ерга солиш учун тайёрлайдиган машиналар, омбор ичида фойдаланиладиган транспорт, ёнғинга қарши кураш воситалари, махсус кийим-кечак, 3—5 кишидан иборат бригада ажратилади. Химиялаштириш пунктига агроном-агрохимик раҳбарлик қилади. Унинг иш кабинетида барча зарур ҳужжатлар: қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг тупроқ картаси, агрохимик картограмма, «Пахта» комплекс программаси бўйича электрон-ҳисоблаш машинаси ёрдамида тузилган ўғитлардан қўлланишнинг план-тавсияномаси бўлиши даркор. Пункт мутахассислар иштирокида зарур миқдордаги ўғитлар ва бошқа воситаларга буюртма беришни ташкил этади, уларни ўз вақтида тащиб олишни назорат қилади, эҳтиёткорлик билан сақлаш ҳамда ўз вақтида тупроққа солишини таъминлайди.

Республикадаги химиялаштириш пунктларининг иш тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, бундай корхоналарнинг ташкил этилиши пахта ҳосилдорлигини гектарига ўртача 3,7 центнер оширади. Пункт қурилиши учун сарфланган харажатлар икки йил мобайнида қопланади. Уларнинг ташкил этилиши ўғитларни марказлаштирилган ҳолда сақлаш, агрохимия картограммаларига биноан бригадаларга етказиб бериш, ўғитлардан қўлланиш муддатлари устидан назорат ўрнатиш имконини беради.

Механизациялаштирилган химиялаштириш пунктларининг қандай аҳамиятга эга эканлигини Коммунистик районидаги «Ленинский путь», Наманган районидаги Оржоникидзе номли колхозлар. Косонсой районидаги «Дўстлик» совхози мисолида яққол кўриш мумкин. Бу хўжаликларнинг ҳар бирида механизациялаштирилган ички хўжалик химиялаштириш пунктлари ташкил этилган. Ана шу хўжаликларда бундай пунктлар ташкил этилишига қадар ерга солинган ҳар килограмм азот ҳисобига 10,6—13,5 килограммдан пахта олинган бўлса, пунктлар ташкил этилганидан сўнг бу кўрсаткич 16,3—17,3 килограммгача етди. Бу хўжаликларда ўғитларнинг исроф бўлиши қариб 50 процент қисқарди. Ўғитларни майдалаш, элаклаш ва аралаштириш механизациялаштирилганлиги натижасида меҳнат унумдорлиги қариб ўн баравар ортди. Масалан, Оржоникидзе номли колхозда бу ишларда илгари 50 киши банд эди. Ҳозир эса 5 киши уддалаяпти. «Дўстлик» совхозида 84 ишчи ўрнига 6 ишчи, «Ленинский путь» колхозида 46 колхозчи ўрнига 6 колхозчи ишлаяпти, холос. Пункт ишга тушгандан сўнг иккинчи йилнёқ Оржоникидзе номли колхоз 70 минг сўм, «Дўстлик» совхози 103 минг сўм соф даромад олди.

Химиялаштириш пунктларининг ташкил этилиши республиканинг бошқа хўжаликларида ҳам ўзини тўла оқлади. Бу хўжаликларда минерал ўғитлар самарадорлигини ошириш ва улардан оқилона фойдаланиш учун кураш деҳқончилик маданиятини юксалтиришга ёрдам берди. Шофиркон районидаги «Ленинобод» колхозида пункт ташкил этилганидан сўнгги уч йил ичида пахта ҳосилдорлиги гектарига 28 центнердан 37,2 центнерга кўтарилди. Охунбобоев номли колхозда бундай пункт икки йилдан буён ишламоқда. Бу ерда ҳам ҳосилдорлик 37 центнердан 40 центнерга кўтарилди. Пайариқ районидаги К. Маркс номли колхозда кейинги тўрт йил мобайнида пахта ҳосилдорлиги гектарига 6 центнер кўпайди.

Шунисе характерлики, юқорида қайд этилган хўжаликларда пунктлар ташкил этилиши билан бир қаторда суғорма деҳқончилик маданиятини оширишга қаратилган тадбирлар ҳам амалга оширилди.

Ички хўжалик химиялаштириш пунктлари асосида колхоз ва совхозларнинг агрохимия хизматини қайта қуриш ўзини тўла оқлади. Бўни барча пунктларнинг иш тажрибаси тасдиқламоқда. Бироқ, механизациялаштирилган ички хўжалик химиялаштириш пунктларини ташкил этишда жиддий нуқсонлар ҳам мавжуд. Ўғитларни аралаштирувчи механизмлар, дозаторлар, транспортёрлар, омборхоналар ичида ишлатиладиган механизмларнинг ишлаш йўналиши пунктларнинг ташкил этилишини пайсалга солмоқда. Яқин орада 1-2 корхона базасида ана шу механизмларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш даркор. Ҳозирги пайтда химиялаштириш пунктлари қурилишининг типовой лойиҳалари мавжуд. Уни олиш учун «Узколхозстрой»га буюртма бериш мумкин. Типовой иншоотлар қуришга қадар ҳар бир хўжалик ички имкониятларини кидириб топиб, минерал ўғитлар сақланадиган омборларни вужудга келтириши, уни зарур мосламалар билан жиҳозлаши даркор.

Ички хўжалик химиялаштириш ишматининг такомиллашиб бориши минерал ўғитлар ва бошқа химиявий воситалардан қўлланиш миқёсининг ортишига олиб келади. Чуночи, кейинги бир неча йил ичида Ўзбекистонда тупроққа солинаётган минерал ўғитлар миқдори 20 процент кўпайди. Аммо ўғитлардан фойдаланиш самарадорлиги республика областлари ва районларида ҳамон турлича бўлиб қолмоқда. Масалан, Тошкент ва Бухоро областларида бир килограмм азот ҳисобига қариб 15 килограмм пахта етиштирилаётган бўлса, Сирдарё ва Қашқадарё областларида бу кўрсаткич 12,2—12,3 килограммдан ошмаяпти. Ромитан районида бир килограмм азот ҳисобига 17,4 килограмм пахта олиняпти. Қўшни Шофиркон районида эса бу кўрсаткич 14 килограммни ташкил этмоқда. Бундай фарқ хўжаликлар бўйича янада яққолроқ кўзга ташланади. Ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигининг паст бўлаётганлигининг сабаби кўп. Аммо уни энг аввало ўғитларни сақлаш, ташиш ишлари қониқарсиз ташкил этилаётганлигидан, ўғитлаш технологиясига тўла риоя қилинмаётганлигидан излаш даркор.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида деҳқончиликни химиялаштиришни кучайтириш, минерал ўғитлардан янада самаралироқ фойдаланиш ва улар ҳисобига кўпроқ ҳосил етиштириш муҳимлиги ҳаққоний равишда таъкидланган эди. Бу вазифани республиканинг ҳар бир колхоз ва совхозида ўғитлардан тежаб-тергаб фойдаланиш, ташиш, сақлаш ва тупроққа солиш пайтида содир бўладиган турли нобудгарчиликларнинг олдини олиш имконини берадиган химиялаштириш пунктларини ташкил этиш орқали ҳал қилиш мумкин.

А. МАВЛОНОВ,
ЦИНАО Тошкент филиалининг директори.

ҒАРБИЙ СИБИРДАН ХАТЛАР

4. ЯГОНА ОИЛА ҲИССИ

...Эрталаб уйғонишим биланоқ радиокарнайнинг овози кулоққа чалинди: «Нягань дарёси устига қурилаётган кўприкнинг тантанали равишда фойдаланишга топширилишига уч кун қолди. Трестнинг бош диспетчерлик пунктидан шуни маълум қиламизки, бугунги оператив штаб йиғилиши кеч соат 6 да кўприк олдидаги прорабллик участкасида бўлади. Маъмурият, партия ва касаба союз ташкилотларининг қарорига мувофиқ трест ҳамда барча бўлинмаларда ишловчи инженер-техник ходимлар, хизматчилар бугундан бошлаб уч кун кавомида ишга тушириладиган шу объектдаги ҳашарда қатнашишади».

Трест радиоузелидан эшитилган ана шу қисқа хабарнинг ўзиёқ республикамиз вакиллари катта ҳаяжонли воқеа бўсағасида яшаётганликларидан дарак берарди. Соат 6 да оператив штаб йиғилишида қатнашиш зарурлигини блокнотга қайд этдим. Кечқурун эса унга Раимқулов бригадаси иши билан танишиш лозимлигини ёзиб қўйгандим. Шундай режалар билан трестга бораётганимда ҳамма ерда иш қизиб кетганди. Асосий магистралга олиб борувчи йўлда ҳаёт қайнайди: қум-шағал, цемент, тупроқ ортган қудратли «КРАЗ»лар тўхтовсиз ўтиб турибди. Бетон плиталар юклланган машиналар, ишга тушириладиган объектга тиқилиб кетаётган автокранлар кўзга ташланади.

Трест бошқарувчисининг механизация масалалари бўйича ўринбосари Роман Розиқович Раззоқов кейинги пайтда кенг қўлланилаётган янги мосламалар, такомиллаштирилган механизмлар ҳақида гапириб берди. Ў бетон плиталар оралиғини битум билан тўлдиришда ишлатилаётган гудронатор, «ТДТ-50» агрегати базасида тайёрланган ерга темир-бетон қозиқларни қоқувчи механизм ва бошқа техника воситаларини фахр билан тилга олиб, «Уларни ўз иш шароитимизга мосладик», деди. Раззоқов ишга ижодий ёндашиш хусусида тўхталиб, худди кўнглимиздагини сезгандек, Раимқулов бригадаси ҳақида батафсил ҳикоя қилди. «Ёв бригада азоматлари янгиликка ўч, улар билан албатта учрашишингиз керак», деди у. Шундай қилиб, бу бригада ишлаётган трассанинг 18-километрига йўл олдик.

Кўприк қурилишида иш қизғин кетаётганлиги муносабати билан асосий трассанинг бир километрга қисмида вақтинча ҳаракат тўхатиб қўйилган экан. Шунинг учун дастлаб ўрмон ёқалаб ўтган ўқиқир-чўқиқир, пастбаланд йўлдан юришга тўғри келди. Бундай йўлда машина дам-бадам зўриқар, биз эса чайқалиб, силкиниб борардик. Шу пайт ҳамроҳимиз — Раззоқов эътиборни ўзига қаратди: «Мустаҳкам, равон йўл ҳамма ерда ниҳоятда зарур эканлигига ўзингиз яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз. Мана, ҳозир йўлнинг ёмонлигидан қийналиб, ҳалқимизнинг «Йўл азоби— гўр азоби», деган нақлини ўқтин-ўқтин эслаб кетяпмиз. Яна ўн минутдан сўнг шундай кенг ва равон трассага чиқиб оламизки, уни мана бу йўл билан солиштириб, хулоса чиқариш мумкин».

Дарҳақиқат, ўн минут ўтар-ўтмас машинамиз трассага чиқиб олиб, шитоб билан илгарилаб кетди. Машинанинг ўлчов стрелкаси соатига 80-90 километрни кўрсатарди. Теварак-атрофдаги манзара кишини лол қолдиради. Олдинга қарасанг худди ўқдек кетган трассанинг охири кўринмайди. Унинг икки тарафи эса қуюқ ўрмонзордан иборат. Йўлнинг шунчалик равонлигидан ўзимизни денгизда моторли катерда кетаётгандек ҳис қилардик. Йўлнинг четидаги кўм-кўк дарахтлар шу онларда катернинг икки тарафида сув тўлқинидан ҳосил бўладиган мовий «девор»ларга ўхшаб кетарди гўё. Дилимиздан эса «равон йўл — роҳатижонда», деган фикр қайта-қайта ўтарди. Шундай ўйлар билан Раимқулов бригадаси ишлаётган 18-километрга етиб келдик.

Бригада аъзолари жадаллик билан бетон плиталарни ётқизиб, монтаж қилишаётган экан. Уларнинг ишга ҳалақит қилмаслик учун оз муддат четдан кузатиб турдик. Раззоқов тўлқинланиб ҳикоя қила бошлади:

— Уларнинг ғайратини кўриб, озгина бўлса ҳам ишлаш қўйишга кўзинг қиймайди. Анаву кранни моҳирлик билан бошқараётган йигит Владимир Супрун бўлади. У асли Ставрополдан, ўз касбини пухта ўзлаштириб олган. Ҳамма ишларга бош-қош бўлиб турган жингалак сочли, новча йигит Виктор Глебов. У звено бошлиғи. Виктор бу ерга келмасдан илгари «ЧарвакГЭСстрой» трестида ишлаган, кўпгина гидротехник иншоотларни барпо этишда қатнашган. Плиталаринг тўғри жойлашиши учун жон қийдираётган йигит эса Насриддин Валиаҳмедов. У тажрибали йўлсоз, Самарқанд область Жомбой районидаги кенг ва равон йўлларни қуришга кўп меҳнати сингган. Валиаҳмедов икки йилдан бери бу ерда ишлаб, йигит қўлида ишчи чизмаларни ушлаганича бригадаси аъзолари томонга йўналди. Унинг бутун вужудидан ғайратшижоат ёғилиб турар, шахлам одимидан ўт чақнаётгандек туюларди. Райимқулов Глебов, Валиаҳмедов, Бадаловларни ёнига чақирди-да, ишчи чизмаларни ёйиб, қилинадиган навбатдаги ишларни тушунтира бошлади. Кўрсаткич бармоғи лойиҳанинг у ёқ-бу ёғига тез-тез бориб келар, ҳар замонда «тушунарлими?» деб сўраб қўярди. Кимдир бир масалани яхши англаб олмади шекилли, умуман тескари савол бериб қолди. Шунда Алиқул олдинига қуйиниб кетди. Зум ўтмай ўзини босиб, масалани ётғи билан қайта тушунтирди. Улар ишчи чизмаларни муҳокама қилишаётган пайтда фотошаратни ишга солдим ва бугун илова қилинаётган суратни тушиردим.

Бир неча дақиқадан сўнг биз Алиқул билан кўчма вагончада суҳбатлашиб ўтирардик. Унинг кўнглидаги гапларни, Тюмень нефть-газ комплекси қурилишига даъват этган омилни, шижоатли меҳнатга руҳлантириб турган қалбидаги ёруғ нурни илғаб олишга ҳаракат қиламан. У вазминлик билан гап бошлайди:

— Ўзим Самарқанд областининг Пайариқ райониданман. Кўп йиллар район «Сельхозтехника»сида слесарь бўлиб ишладим. Кейин йўл қуриш бошқармасида шоферлик қилдим, йўлсозликни ўргандим. Республикамиз йўл қурувчилари Ғарбий Сибирда автомагистраль барпо этишга отланганларини эшитганимда ички бир куч билан уларнинг сафига қўшилдим. Пайариқда менга ҳамма нарса етарли эди: жаннатдай боғим, шинам уйим, мол-ҳолим бўлиб, топиш-тутишим ҳам ёмон эмасди. Умуман моддий жиҳатдан етишмовчилигим йўқ эди. Шунинг учун ҳам Тюменга кетаётганимни эшитганларнинг айримлари хайрон қолишди, хатто кулганлар ҳам бўлди. Мени бу ерга бошлаган нарса бошқа эди: мамлакатимизни жуда катта оилага ўхшатаман. Оилага, рўзғорга эса ҳамма нарса — дон-дун, пахта, ноз-неъмат, кийим-кечак, мебель, бензин... ниҳоятда зарур. Ана шу катта оила, унинг қардош мамлакатлардаги дўстлари нефть ва газга эҳтиёж сезаётган экан, уларга бўлган талаб тобора ошаётган экан, нега энди шу оиланинг бир аъзоси сифатида бу талабэҳтиёжни тўлароқ қондиришга ҳисса қўшиш лозим эмас?! Бу гапларим айрим кишиларга баландпарвоз, эриш туюлиши мумкин. Ягона оила туйғусини тўла, қалбдан ҳис қилолмайдиганларгина шундай кайфиятда бўладилар. Бу туйғуни бутун онгинг, вужудинг билан туйсанг, у юрагингни нурга тўлдириб, ҳамиша эзгуликкa ундаб туради. Тўғри, бу ерда ишлаш осон эмас. Айниқса, оиланг, учта боланг билан тайга шароитида ишлаш анча мушкул. Раиқам Валентина трестнинг бош механика бўлимида техник бўлиб ишлайпти, барча қийинчиликларни енгилда ҳамкор бўлмоқда. Ҳозир сиз айни ёз пайтида келиб турибсиз. Тайганинг кўз очирмайдиган ёмғирларини, 40 градуслан ошадиган қаҳратон совутини сиз тасаввур қилолмайсиз. Шундай шароитда ойнадек текис йўл қуриш қийин. Чунки катта оила кўпроқ нефть, газ етказиб берилишини кутиб турибди. Қийинчиликлар ҳеч нарса эмас. Чунки одам ўзлигини синаб кўриши ҳам керак-ку, ахир?!

Алиқулнинг энг сўнгги сўзлари Ғарбий Сибирга қилинган ўн кунлик сафар давомида, хатто ҳозир ҳам кўлогим олдида жаранглаб турибди. Негадир, ҳаммага унинг сўзларини айтгим, қалбидаги ёруғ нур билан бошқаларни ҳам ёритгим келаверади.

Суҳбат давомида Раззоқов «Янги мосламалар ҳақида ҳам гапириб бер», деб лўмма ташлади. Гап хотира дафтарида ёзилган ва эрталаб Раззоқов тилга олган мослама ҳақида эканлигини дарров фаҳмлаб, Райимқуловдан айтиб беришни сўрадик:

— Плита тагига солинадиган қум-цемент аралашмасини дастлабки пайтларда автогрейдер билан текислардик, — деб сўзини давом эттирди Алиқул. — Бу аралашма юмшоқ бўлганлиги ва автогрейдернинг «кураги» шу ишга мослашмаганлиги учун уни маромига етказиб текислай олмас, плиталарнинг бирон-бир бурчаги кўтарилиб қоларди. Шунинг учун кўл кучи билан ясси тахтачаларда аралашмани текислашга мажбур бўлардик. Табиийки, бу ишни секинлаштирарди. Ана шу қийинчилик ҳақида трест инженерларига мурожаат қилиб, ишни қулайлаштиришнинг бирон-бир йўлини топишни сўрадик. Улар тажриба ўрганиш учун Нижне-Вартовск шаҳрига боришганда, маҳаллий йўлсозлар ишлатаётган қувўрлардан тайёрланган учбурчак шаклидаги молага ўхшаган мосламанинг ишлаш принципини кўриб қайтишди. Инженерлар кўп ўтмай ўз шароитимизга ва плиталарга мос равишда тўртбурчак шаклидаги мола-мосламалар тайёрлашни таклиф қилишди. Биз биринчи бўлиб шундай мосламадан фойдалана бошладик. Бу янгилик қўл кучига барҳам берди, ишни тезлаштирди ва сифатини ҳ.шилади. Янги мослама қум-цемент аралашмасини худди дазмолдек силлиқ қилиб текислайди.

Суҳбатимиз узоқ давом этди. Бригаданинг яна кўпгина ибратли ишларини билиб олдик. Раззоқов билан трассанинг 24-километрига борар эканмиз, у гап қотди:

— Алиқул камтарлик қилиб ўз коллективидаги баъзи ажойиб анъаналарни тилга олмади. Шулардан бири бригада аъзоларининг туғилган кунларини тантанали равишда нишонлаб, уларга эсдалик совғалари беришдир. Виктор Глебов, Абулқосим Маҳмудов сингари йўлсозларнинг туғилган кунларини нишонлашаётганлигининг гувоҳи бўлганман. Ўшанда уларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-оқибатларни, ахилликлларини кўрсатгиз эди. Ҳамиша бошқаларни ҳулли шу коллективдек бўлишга даъват этаман.

Раззоқов озгина сукутдан сўнг яна гапида давом этди: «Бундай ажойиб йигитлар бизда кўп. Сиз ҳали тўрт ака-ука Собировлар ҳақида эшитмаган бўлсангиз керак? Ҳозир 24-километрдаги 2-йўл қуриш бошқармасига борсак, уларнинг катталари — Муким ва Қуддусни учратамиз. Муким қариб икки йил қудратли «КРАЗ»ни бошқариб, йўл қурилишига тош-шағал, қум етказиб берди, тупроқ ташиди. Яқиндан бери эса бошқарманинг механиги вазифасини бажарянти. Қуддус ҳам акасининг изидан бориб, «КРАЗ»да қурилиш материалларини ташиянти. Собировларнинг яна бири— Муслим бир ярим йилдан ортиқ шу ерда шоферлик қилди. Соғлиги бироз ёмонлашгани учун машина ҳайдашга рухсат берилмади. У ўзи туғилиб-ўсган Тошкент деҳзизи яқинидаги қишлоққа қайтиб кетиши мумкин эди. Лекин Муслим буни ўзига эп кўрмади, ака-укалари, барча йўлсозлар сафида қолди. Трестнинг ишчилар таъминоти бўлимига қарашли ошхонага ишга ўтди. Бу ер ҳам муҳим участка. Йўлсозларга тотли таомлар тайёрлаб, уларни хушнуд этиш осон иш эмас. Муслимнинг таклифи, ишчилар таъминоти бўлимининг бошлиғи Баҳодир Шариповнинг елиб-югуриши туфайли яқинда бу ерда сомса ва палов пишириш йўлга қўйилди. Омилкорларнинг қилган ишини қаранг-а?! Тошкентдан вагонга тандир билан бирга ярим қопча тупроқ ҳам юклаб юборишибди. Чунки бу ерда соз тупроқ йўқда. Ана шу тупроқдан лой қориб, тандирни қуришди. Бир ҳафтадан бери Муслим ёпган сомсадан баҳраманд бўляпмиз. Ўзингиз тасаввур қилиб кўринг: тайгада паловнинг бўғи кўтарилиб турса, тандирдан лўппи лўппи сомсаларни узиб дастурхонга тортишса...

2-йўл қуриш бошқармасига етиб борганимизда смена тугаган. Собировлар жамулжам бўлиб, Нях посёлкасидаги маданият уйига кетишга тайёрланиб туришган экан. Уларнинг энг каттаси Муқим яқиндагина бу ерга келган кенжа укаси Тошпўлатга йўл-йўриқлар бераётган эди. Ана шу лаҳзани суратга туширдик. Дарров блокнотга «Тюмендаги тўртовлон», деб қайд қилиб қўйдик. Уларни йўлдан қолдирмаслик учун Тюменга Собировлар оиласидан биринчи бўлиб келган Муқим билан озгина сўзлашдик. Уни гапга тортарканмиз, бу ерга келишига нима туртки бўлганлиги билан қизиқдик. Зарбдор қурилиш ҳақидаги ўй-фикрларини сўрадик:

— Ўрта мактабни тугатганимдаёқ БАМ, КАМаз, Атоммаш каби зарбдор объектларни комсомол-ёшлар қураётганлигини эшитиб, уларга ҳавасим келганди. Улар сафида бўлишни орзу қилгандим. Совет Армияси сафидан қайтганимдан сўнг олти йил давомида «Главсредазиреовхозстрой»нинг «Ирмонтаж» трестида шофёр бўлиб ишлаб, Мирзачўл, Қарши даштларидаги қурилишларга темир-бетон конструкциялар, ускуналар етказиб бердим. Ана шу йиллар да Қарши даштида кўплаб насос станциялари, каналлар барпо этилди. Республикамиз йўлсозлари Ғарбий Сибирь комплекси қурилишига отланишганида ёшликдаги орзуим яна алангаланди. Таниш-билишларимдан «Шу ерда тинчгина ишлаб юравермайсанми, тайганинг совуғига чидаб бўларканми?» деганлар ҳам бўлди. Аслида қийинчилик - ҳамма жойда бор. Қарши даштида 40-43 градус иссиқда ишлаган бўлсак, бу ерда аксинча асосан қаттиқ совуқни, ботқоқликларни енгишга тўғри келмоқда. Боягина укаларингиз сафиингизга қандай қилиб келиб қўшилишди, деб сўрадингиз. Оила аъзоларимиз, айниқса, укаларим ўз катларида ишим, ҳаётим билан қизиқишарди. Уларга ҳаммаси ҳақида батафсил ёзиб юборардим. Кўп ўтмай укаларим ҳам бирин-кетин шу ерга келишди. Тўрт ака-ука умумлиқ қурилишида қатнашаётганлигимиздан бахтлимиз. Ҳаммамиз қураётган йўл нефть ва газ қазиб олишни тезлаштиришга хизмат қилса, Тюмень заминидан олинган газ Москва, Ленинград, Қараганда ва бошқа шаҳарлардаги хонадонларга кириб борса, нефть маҳсулотлари Украина, Белоруссия, Ўзбекистондаги қудратли машиналарни ҳаракатга келтирса, ўз ҳаётимиздан ишимиздан қониқиш ҳосил қиламиз.

Муқимжоннинг ана шу сўзлари Алиқулнинг ягона оила ҳисси ҳақидаги гаплари билан ҳамоҳанг эди. Умуман ким билан суҳбатлашманг айнан шу руҳда гапиришади, мамлакат ишига озми-кўпми ўз ҳиссаларини қўшаётганликларидан фахрланишади.

Собировлар билан хайрлашиб, трасса бўйлаб орқага қайтаётганимизда оператив штаб йиғилиши бошланишига ярим соат қолганди. Раззоқов шу йиғилишда қатнашишни мўлжаллаб қўйганимни билганлек, унга таклиф қилди. Машинамиз кўприк қурилиши яқинидаги прорабллик участкасига шитоб билан елиб кетди...

С. САЙДАЛИЕВ.
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Суратда: моҳир йўлсозлардан Насриддин Валиаҳмедов (чапдан ўнгга), Виктор Глебов, бригада бошлиғи Алиқул Райимқулов ва Нўъмон Бадалов ўртоқлар ишчи чизмаларни муҳокама қилиб, навбатдаги вазифаларни белгилаб олишмоқда.

Автор фотолари.

БУГУНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУТУН БЕПОЁН МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ТУРМУШИГА, СОВЕТ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚУШАЁТГАН ҲИССАСИ ЖУДА КАТТА... ҲОЗИР КЎП МИЛЛАТЛИ МАМЛАКАТИМИЗ ШАРОИТИДА ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ — АВВАЛО, МАМЛАКАТ БАРЧА ХАЛҚЛАРИНИНГ УМУМИЙ ФАРОВОНЛИК ИЎЛИДАГИ ҲАЛОЛ, ВИЖДОНЛИ, ЗЎР САМАРАЛИ МЕҲНАТИДИР.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

СУРАТДА: тўрт ака-ука Муқим, Қуддус, Муслим ва Тошпўлат Собировлар смена дан сўнг ўзаро суҳбатда.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ТЎЛА ЯКДИЛЛИК

УЛАН-БАТОР (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг қардош социалистик мамлакатлар партия ва давлат раҳбарлари билан анъанавий Қрим учрашувлари бутун социалистик ҳамдўстликнинг дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, яна тинчликни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш салмоқли қадам қўшмоқда, деб ёзади МХРП Марказий Комитетининг органи — «Унэн» газетаси ўзининг бош мақоласида.

Л. И. Брежнев ва Ю. Цеденбал ўртоқларнинг бу галги дўстона учрашуви МХРП билан КПССнинг, МХР билан СССРнинг иккала мамлакат яқин ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга, Осиёда ва бутун дунёда кескинликни юмшатишни таъминлашга интилаётганликларини кўрсатувчи янги ёрқин далилдир.

Учрашув давомида, деб уқтиради газета, иккала партия ва давлатнинг раҳбарлари СССР билан МХРни социал, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилдилар ҳамда иккала давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболларига алоҳида эътибор бердилар. Улар бу ҳамкорлик йил сайин тобора чуқурлашиб ва кучайиб бораётганлигини мамнуннят билан қайд этдилар. Социалистик Монголиянинг барча меҳнаткашлари, деб таъкидлайди «Унэн» газетаси, Монголиянинг ривожи ва равнақи, монгол халқи фаровонлигининг ўсиши тўғрисида доимо эътибор ва гамхўрлик қилаётганликлари учун КПССга, Совет ҳукуматига ва шахсан Л. И. Брежневга астойдил самимий миннатдорчилик ноҳор этадилар.

Қримдаги учрашувда, деб ёзади «Унэн» газетаси, Осиёдаги ва Яқин Шарқдаги аҳволга катта эътибор берилди, бу эса иккала мамлакатнинг шу районларда чинакам тинчлик ва хавфсизликни қарор топтиришга кўмаклашишга сидқидилдан интилаётганликларидан яна бир бор далолат беради. Исроил ўзи учун таилаб олган сепарат битимлар йўли ҳам, бедодлик, зўравонлик ва қиргинчилик йўли ҳам Яқин Шарқда мустаҳкам тинчликка олиб бора олмайди. Можарони однлона ҳар томонлама сиёсий бартараф этишгина Яқин Шарқни ўз хонадони деб билувчи барча халқларнинг ҳаётий ҳуқуқларини пишиқ-пухта таъминлаши мумкин.

Совет Иттифоқи билан Монголия Ҳинди-Хитойдаги уч мамлакатнинг яқинда ҳолис ният билан қилган ҳаракатини: Вьетнам қўшинларининг қисмлари Монголия Халқ Республикасидан олиб чиқиб кетилганлигини, АСЕАН мамлакатлари, Хитой ва бошқа қўшни давлатлар билан мулоқотни ривожлантиришга доир амалий ижобий тадбирлар кўрилганини мамнуннят билан қайд этдилар. Иккала мамлакатнинг раҳбарлари, деб уқтиради «Унэн» газетаси, Узоқ Шарқ регионидаги давлатлар ўз муносабатларини фақат яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик принциплари асосига қуришга қодирдилар, деган фикрга асосланиб иш тутади.

МХРП Марказий Комитетининг органи уқтириб ёзишича, Ю. Цеденбал Қримдаги учрашувда Л. И. Брежневнинг Тошкентдаги машҳур нутқида Хитой тўғрисида баён этиб берилган қоидаларга МХР тўла-тўкис қўшилишини таъкидлади.

Л. И. Брежнев ва Ю. Цеденбал ўртоқларнинг учрашуви, деб ёзади пировардида «Унэн» газетаси, муҳокама этилган ҳамма масалалар юзасидан фикрларнинг тўла бирлигини намойиш этди ҳамда КПСС билан МХРП совет ва монгол халқларининг замон синовидан ўтган ленинча дўстлиги ва қардошлигини узлуксиз мустаҳкамлашга аҳд қилганликларининг ифодаси бўлда.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МИЛЛИЙ КУНИ

ИЗМИР. 51-халқаро Измир ярмаркасида Совет Иттифоқи миллий куни ўтказилди. Бу кун СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги белгиси остида ўтди.

Совет экспозицияси мамлакатнинг 60 йиллик тарихида эришган муваффақиятларни таърифлайди. 12 мингдан кўп экспонат томошабинларни совет халқи ҳаётининг турли жиҳатлари билан, у яратган илғор техника, станоклар, асбоб-ускуналар билан таништиради.

Совет павильони экспозициясининг ажойиб қилиб безатилган стендлари СССР билан Туркия ўртасида иқтисодий ҳамкорлик тарихи тўғрисида ҳикоя қилади. Шу даврда Совет Иттифоқининг иқтисодий ва техникавий ёрдами билан Туркияда энг катта Искандарун металлургия ва Сайдишеҳр алюминий комбинатлари, Алиагда нефть тозаловчи завод, бошқа объектлар қурилди. Туркиянинг савдо-сотиқ доираларида таъкидлаб ўтилишича, Совет Иттифоқининг Измир ярмаркасида анъанавий қатнашуви Совет ва Туркия халқлари ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшмоқда.

КУБАГА ВА СОВЕТЛАРГА ҚАРШИ ЖАЗАВА

ВАШИНГТОН, 23 август. (ТАСС мухбири). Марказий Америкада қуролли интервенция қилишнинг ошкора режаларини ишлаб чиқаётган Рейган маъмурияти Кубага ва Советларга қарши жазавани зўр бериб қучайтириш йўлини давом эттирмоқда. АҚШ давлат департаменти эълон қилган туҳматдан иборат доклад бу хатарли йўлда қўйилган навбатдаги қадам бўлди. Бу докладда гўё «АҚШнинг Ғарбий Ярим шардаги хавфсизлиги ва манфаатлари учун» Куба билан Совет Иттифоқи «ҳарбий хавф» солмоқда деган машъум баҳона билан чўчитишдан иборат ташвиқотчилик кампаниясини сифат жиҳатидан янги погонага кўтаришга уриниб кўрилган.

Шу муносабат билан маҳаллий обзорчилар АҚШ давлат департаментининг «совуқ уруш» руҳидаги доклади АҚШ конгрессининг сенати Қўшма Штатлар Марказий Америкада «Кубанинг агрессиясини тўхтатиб қолиш» учун бутун кучни, шу жумладан қурол-яроғни ишга солиши тўғрисидаги ирвогарона декларацияни маъқуллаган куннинг эртасигаёқ эълон қилинганлиги фактига эътиборни қаратмоқдалар.

Уруш олдини ёқиш руҳидаги бу декларация Оқ уйга исталган пайтда Лотин Америкасининг ҳар қандай мамлакатига қуролли интервенция қилиб, Вашингтоннинг расмий доиралари дидига ёқмайдиган ҳукуматларни ағдариб ташлаш, шунингдек Сальвадор, Гватемала ва Гондурасдаги чиркин американараст режимларга қарши халқ ғалаёнларини бостириш имкониятини беради.

Давлат департаментининг доклади АҚШ ҳукмрон доираларининг Марказий Америкада Америка империализмининг таҳдо ҳукмронлигини қайта тиклашни кўзловчи авантюрачилик йўлини яшириш учун бир ниқобдан бошқа нарса эмас.

М. БЕГЛОВ.

БИРЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

ДЕҲЛИ. Африка билан Осиё ўртасида ҳамкорликка бағишланиб бу ерда очилган халқаро конференция империализм кирдикорларига қарши ривожланаётган мамлакатларнинг бирлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш проблемаларига бағишланган. Конференция Африка, Осиё тадқиқотлари Ҳиндистон жамиятининг ташаббуси билан ўтказилмоқда.

Исроилнинг Ливанга қарши агрессияси умумий душман Америка империализмига ва унинг Яқин Шарқдаги жандармаси Исроил сионизмига қарши қураш Осиё ва Африка халқларининг бирлиги зарур эканлигини равшан намойиш қилди. Машҳур сиёсий арбоб, Ҳиндистон олий судининг собиқ бош судьяси М. Х. Бег конференцияда сўзга чиқиб шу гапларни айтди.

Жанубий Африка республикаси ирқчилари Жанубий Африка туб аҳолисига қарши вахшиёна сиёсат олиб бораётгани сингари Яқин Шарқда сионистлар ҳам араб халқларига қарши вахшиёна апартеид сиёсатини юргизмоқдалар, деди Жанубий Африкада Африка миллий конгрессининг Ҳиндистондаги вакили Сидней Молифи. ЖАР ирқчилари ва Исроил сионистлари АҚШ империализмининг мададига суяниб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорларини поймол этмоқдалар, деб таъкидлади у.

Ривожланаётган мамлакатларнинг янги мустамлакачилик кирдикорларига қарши кучи бу мамлакатларнинг жипслигидадир, деб таъкидлади Деҳли университетининг профессори В. П. Датт ўз нутқида.

Г. ШМИДТ СУҲБАТИ

БОНН. ГФР канцлери Г. Шмидт Ғарбий Германиядаги «Нордойчер рундфунк» радиостанцияси мухбири билан суҳбатда Ғарбдаги муайян доираларнинг социалистик мамлакатларга қарши «савдо уруши» бошланганлигини, шунингдек, АҚШ маъмуриятининг Ғарбий Европадаги ўз иттифоқчиларига тазйиқ қилиш сиёсатини қоралади. «Жаҳонда эркин савдони сиёсий шартларга бўйсундира бошласак шу билан биз ишларимиз қўпайишига атайлаб ҳисса қўшган бўламиз», деди у.

Г. Шмидт жумладан, АҚШнинг Сибирь-Ғарбий Европа газ қувури қурилишига нисбатан камситувчи тадбирларига, шунингдек Вашингтон Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлардан пўлат импорт қилишни тамомия йўл билан чеклаганлиги туфайли АҚШ билан «умумий бозор» мамлакатлари ўртасида келиб чиққан ихтилофларни эслатиб ўтди. Сибирь-Ғарбий Европа газ қувури қурилишига нисбатан АҚШнинг камситувчи тадбирлари Ғарбий Европадаги бир қанча мамлакатларнинг манфаатларига жиддий зарар етказди.

Ғарб экономикаси «пастга қараб кетаётганлиги» факти «аммага қарши савдо уруши» бошлашга сабаб бўлмаслиги керак, деб таъкидлади ГФР канцлери. «Буларнинг ҳаммаси 1931—1932 йилларни», яъни бутун капитал дунёси ўз тарихида энг чуқур иқтисодий тангликни бошидан кечирган вақтларни эслатади, деди у.

ҲАЛҚ МУЛКИ—МУҚАДДАС

КПСС XXVI съезди совет кишиларининг турмуш фаровонлигини янада оширишни таъминлашйўлларини белгилаб, бу борада партия ва халқимиз олдига улуғвор вазифаларни қўйди.

Шу муносабат билан партия хўжасизликка ва халқ хўжалигида бошқа ҳар қандай нобудгарчиликларга қарши кескин кураш олиб бориш вазифасини қўймоқда. «...Оддий ва шунчаки кундалик бир юмуш бўлиб кўринган иш жамоат бойлигига омилкорлик билан муносабатда бўлиш. Ўзимиздаги ҳамма нарсаларни тўла-тўкис, мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш маҳорати иқтисодий сиёсатнинг ўзаги бўлиб қолмоқда», —дейилади КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига қилган Ҳисобот докладида.

Маълумки, зиммамизга тушган бу масъулиятли, айни пайтда шарафли вазифаларни самарали ҳал этилиши кўп жиҳатлар милиция хизматидаги барча ходимларнинг ўзаро ҳамкорликда қилган ҳаракати, жамоатчиликнинг кўрсатаётган ёрдами ва ниҳоят жиноятнинг олдини олиш —профилактика ишларининг қай даражада ташкил этилишига боғлиқ. Бизнинг ялпи фаолиятимизнинг бош йўналиши —қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ўғирлик ва мансабини суиистеъмол қилиш кабиларга қарши курашга қаратилган.

Халқ хўжалиги тармоқларидаги иш шароитларини оператив —криманалогик йўл билан ўрганиб чиқиш асосида БХССнинг оператив—қидирув хизмат фаолияти сифатини янада кучайтиришга қаратилган конкрет тадбирли планни ишлаб чиқдик. Ана шу планга кўра профилактика ва тўшунтириш ишлари бирмунча кенг йўлга қўйилди. Ходимларимиз фақат статистик маълумотларни анализ қилиш билан қаноатланиб қолмасдан, балки шу билан бирга текшириув билан жойларга тез-тез бориб туришади. Рейдлар ўтказишади. Жойлардаги ишлаб чиқариш шароитлари билан танишиб, қишлоқ хўжалиги, саноат маҳсулотларини ҳисобга олиб бориш, уларни сақлаш шарт-шароитларини ўрганиб борадилар. Шунингдек колхоз ва совхозларда, завод-фабрикаларда, областнинг бошқа муассаса ва ташкилотларида ҳуқуқ темаларида лекциялар ўқиб туришди, суҳбатлашиш формаси орқали якка тартибда профилактик ишларни олиб боришди. Давлат автоинспекцияси ва жамоат вакиллари билан ҳамкорликда областнинг қишлоқ ва шаҳар магистралларида автотранспортларни текшириш бўйича рейдлар ўтказиб туришади. Ана шундай чора ва тадбирлар натижасида фақат ўтган йилнинг ўзида 52 та жиноят излари очиб ташланди. 480 та транспорт воситаси текширувдан ўтказилиб 624.644 килограмм сабзавот ва мева, 341.841 килограмм дон, 45 тонналаи зиёдроқ чорва еми ва 854 килограмм жун маҳсулотлари давлатга қайтарилди.

Текширув ва кузатиш анализи шуни кўрсатадики, кейинги вақтларда айниқса қишлоқ хўжалигимизда турли қинғир йўллар билан давлат ва халқ бойлигини ўғирлашга уринаётганлар кўпроқ сезилиб қолмоқда. Маълумки, бундай нохуш фактлар, қаерда ҳисоб-китоб ва назорат ишлари бўшашиб кетган, давлат бойлигига масъулиятсизлик билан муносабатда бўлинаётган жойлардагина содир бўлиши табиийдир. Афсуски, областимизнинг Гузор, Чироқчи, Косон, Деҳқонобод ва базан кўпқ районларнинг айрим хўжаликларида ана шундай ўзибўларчилик, кўпчилик мужика совуққонлик билан қараш ҳолларинг кузатиш мумкин. Худди ана шундай масъулиятсизлик натижаси ўлароқ бу хўжаликларда бир канча қоракўл териси, қорамоллар, чорва емлари ва бошқа қатор қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўғирлаш ва ўзлаштиришга уриниш фактларини аниқлашга тўғри келди.

БХСС ходимлари ва бизга яқиндан ёрдам бераётган жамоат вакилларининг хушёрлиги туфайли давлатдан яшириб қолинган 1415 дона қоракўл териси, 657 бош қўзи, 154 бош бузоқ, 23 бош совлиқ, 20 бош йирик қорамол аниқланди.

Маълумки, бир жиноий ҳаракат бошқа бир жиноятнинг туғилишига сабабчи бўлади. Ёки бир жиноий ҳаракатнинг олдини олиш билан, юз бериш эҳтимоли кутилган иккинчи жиноят ўртасидаги занжир узиб ташланади. Шу ўринда бир мисол келтираман. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига қарашли «Узглавкаракулпром»нинг катта ревизори С. Шамиров Кўқдала районидаги «Чорвадор» совхозига план-хўжалик фаолиятини ревизия қилиш учун келади. Ревизия давомида Шамиров совхознинг моддий-жавобгар кишилари томонидан катта ўғирлик ва мансабини суиистеъмол қилиш фактларини аниқлайди. Жиноят «похоли» очилиб қолишидан шубҳага тушган совхознинг бош бухгалтери Т. Ҳакимов ревизор С. Шамировнинг нафс «калити»ни топиш йўлини излайди. Калитни осонгина топади. Ревизор билан бош ҳисобчи гапни бир ерга қўйиб келишиб олишади. Етти том Давлат автомобиль станцияси постида қўйни қўнжини тўлдириб 26—96 СНР машинасини бошқариб бораётган ревизор С. Шамиров ушланади. Худди шу машинада «Чорвадор» совхозининг бош бухгалтери Т. Ҳакимов ҳам ўтирган эди. Улар орқасидан шу хўжалик кассири Ч. Неғбоев бошқа машинада изма-из келар эди. Биринчи машинада тинтув вақтида 20 килограмм мой ва бир неча килограмм қўй гўшти топилди. Ҳолиқов ёнидан эса 2700 сўм пул топиб олинди. Ҳа, пул билан шунча маҳсулот совхозлаги ўғирлик изларини яшириб кетмоқчи бўлган ревизорга аталганини изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати борми-кин? Халқ суди ҳукмига ҳавола қилинган ҳар уччала шахснинг жиноий ҳаракати совхознинг хўжалик фаолиятида илдиз отиб кетган қатор камчиликларни очиб ташлаш имконини берди.

Хизмат фаолиятимизнинг бошқа бир томони қурилиш объектларида кам бўлса ҳам учраб турадиган ўғирликларга қарши курашга қаратилган. Биз областимизни ҳақли равишда Бутуниттифоқ қурилиш майдонига ўхшатамиз. Дарҳақиқат, Қашқадарёда қурилиш ишлари жуда кенг фронт бўйлаб давом этмоқда. Қарши даштини ўзлаштириш ишлари тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Халқимиз Қарши даштларини ўзлаштириш йўлида буюк яратувчилик ишларини жасорат намуналарини кўрсатиб, кишиларимиз фаровонлигини оширишдек умумхалқ ишига катта ҳисса қўшаётган бир пайтда ўз нафси йўлида халқ бойлигидан фойдаланишга, эл-юрт манфаатидан ўз шахсий манфаатини устун қўйиб, шахсий бойлик орттиришни ўйлаган шахслар учраб қолаётганлиги албатта кишини афсуслантиради. Шу нарсани эслатиб ўтиш ўринлики, бундай ва бу каби уринишлар фақатгина ҳисоб-китоб, назорат ишлари бўшашган, кадрларни танлаш, жойжойига қўйиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган жойлардагина юз бериши мумкин. Область ремонт-қурилиш трестига қарашли 127-ремонт-қурилиш бошқармасининг бошлиғи Бозор Нормуродовни бир эслаб кўрайлик. У илгари бир неча бор судланган. Шунга қарамай, Нормуродов қурилиш бошқармасига бошлиқ бўлиб турган вақтда ҳам ўзининг эски фаолиятини давом эттиради. У ремонт-қурилиш бошқармаси ва «Ўзпромвентиляция»га қарашли ПМКнинг айрим «лаббайчи» эгри қўл ходимлари билан жиноий алоқа боғлаб, пул тўлов ведомостларига қурилишда мутлақо ишламаган номаълум кишилар номини киритиш орқали ремонт-қурилиш бошқармаси кассасидан системали равишда давлат маблағини ўзлаштириб келишган. Ана шу йўл билан 15 кишидан иборат бу жиноятчилар тўдаси давлатнинг 113 минг сўм маблағини ўзлаштириб юборишди. Тўғри, жиноятчилар қилмишларига яраша жазога тортилишди. Лекин бизни масаланинг бошқа бир томони безовта қиляпти. Хўш, илгари жиноят қилиб судланган киши қандай қилиб катта ташкилотга бошлиқ бўлиб қолди? Нима учун ўтказилган тафтиш актларида қурилиш бошқармасидаги ҳақиқий аҳвол ўз аксини топмади? Ва ниҳоят, коллективнинг тарбиявий профилактик роли қаерда қолди?

Қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқлари билан бирга савдо айрим юлғичлар ўз фаолиятларини бемалол намойиш этадиган объект бўлиб келаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ҳа, улар қандай йўл билан бўлмасин, халқ ичидан юлиб-юлқиб олиш пайида бўладилар. Ана шу мақсад йўлида баъзан бутун мамлакат бўйлаб сангиб юришади. Озарбайжон ССРнинг Кировобод шаҳрида яшовчи текинхўр Сетрак Киракасов областимизда Ульянов райони ташкил этилиши билан «Каршистрой»га қарашли кишилар таъминоти бўлимининг 4-магазини мудирлиги вазифасига ўрнашиб олади. Шуниси қизиққи, Киракасов илгари бирор кун ҳам савдода ишламаган. Унинг асли касби пойафзалчи. Савдо хизматига фавқулодда ўрнашиб қолган бу шахс халқ бойлигини қонунсиз ўмариш «илми»ни жуда яхши ўзлаштириб олибди. Ҳа, ўта назоратсизлик оқибатида ишчилар таъминоти бўлими раҳбарлари ишончидан фойдаланган бу юлғич давлат товарларидан ўз мулкидек бемалол фойдаланиб келаверди. Буни қарангки, Киракасов ўзининг тўрт ойлик «меҳнат» фаолияти давомида давлатнинг 22536 сўм маблағини ўзлаштириб юборган. Киракасов суд ҳукми билан 10 йилмуддатга озодликдан маҳрум этилди.

Ўғирликка қарши курашни енгил иш эмас. БХСС ходимлари учун мураккаб ва хилма-хил вазифаларни ҳал этишга тўғри келади. Ишлаги эришиладиган ютуқлар, ходимларнинг профессионал маҳоратига, энг ноёб масалаларга билимдонлик билан жавоб топа олишларига боғлиқдир. Ана шу жиҳатдан ҳам ўз касбини яхши биламдонлари, милиция подполковниклари К. Рўзиев, Р. Файзиев, милиция капитани Г. Насибулин ва бошқа тажрибали ўртоқлар номини алоҳида эслатиб ўтишни лозим кўрардим.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездига қилган Ҳисобот докладида ишлаб чиқариш потенциалидан тўла ва самарали фойдаланиш ҳақида гапирар экан, «юксак масъулиятни ҳамиша ҳис этиб тўриш лозим. Совет халқи вужудга келтирган ғоят катта потенциал омиллардан тўла самара билан фойдаланилмоғи учун масъулиятни ҳис этиш керак», деб алоҳида таъкидлаб ўтади. Қашқа воҳасининг ички ишлар бошқармасининг БХСС ходимлари бу улуғвор ва шарафли умумхалқ ишига оғишмай ўз ҳиссаларини қўшиб борадилар.

Х. ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Қашқадарё область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси, БХСС бошлиғи.

ТЕКИНХУРЛАРГА — ШАФҚАТ ЙЎҚ!

Олтинқўл районидаги «Октябрь» колхози деҳқонлари пахта йиғим-теримига тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказишяпти. Бу курашда Маслаҳат амбулаторияси ходимлари ҳам пахтакорлар билан ёнма-ён жон қуйдирмоқдалар. Улар далада меҳнат қилаётганлар, колхозчиларнинг фарзандлари саломатлиги ҳақида қайғуришаётир.

СУРАТДА: қишлоқ амбулаториясининг болалар врачи Шарифахон Мусаева ва медицина ҳамшираси Одинахон Йўлдошева дала шийпонида.

А. МИРЗАЖОНОВ фотоси.
(ЎзТАГ).

КОЛХОЗ МУЗЕЙИ

Наманган районидаги «Ленинград» колхозининг жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати музейида янги экспозиция очилди. Бу экспозиция йигирмадан ортиқ колхозчининг ҳаёт йўли, уларнинг Совет Армиясидаги хизмати, запасга бўшатилганидан сўнг колхоздаги ишлари тўғрисида ҳикоя қилади. Булар орасида хўжаликнинг энг яхши тракторчиси Маматхон Усмонов, ўн биринчи беш йиллиқнинг биринчи йилида меҳнатда эришган юксак кўрсаткичлари учун халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида енгил автомашина билан мукофотланган терим машинасининг илғор ҳайдовчиси Обидхон Юсупов, колхоз инженери Азимжон Каримов, қишлоқнинг бошқа илғор кишилари бор.

Экспозицияни ҳали армияга чақирилиш ёшига етмаганлар биринчи бўлиб кўрдилар. Улар билан бу ерда армияда қилинажак хизмат тўғрисида суҳбат ўтказилди. Колхоз музейи областда энг катта бўлиб, унинг 650 квадрат метр жойни эгаллаган саккиз залида қишлоқнинг бутун тарихи акс эттирилган. Энг катта экспозиция Улуғ Ватан уруши йилларида қишлоқ меҳнаткашлари душманни тормор этишга қўшган катта ҳисса тўғрисида ҳикоя қилади.

Музей кенгаши олтита тематик магнитофон ёзувлари тайёрлаб қўйган, улар музейнинг радиостанцияси орқали эшиттириб турилади.

(ЎзТАГ мухбири).

СПОРТ

ЧИМ ХОККЕЙ

«АНДИЖАНКА» ЮТҚАЗЯПТИ

Хотин-қиз командалар ўртасида чим хоккей бўйича мамлакат чемпионатининг навбатдаги тур учрашувларида меҳмонлар муваффақиятли ўйнадилар.

Шуни айтиш кифояки, саккиз учрашувлан атиги иккитасидагина майдон эгаларининг қўли баланд келди, беш учрашув меҳмонларнинг фойдасига ҳал бўлиб, бир беллашув дуранг натижа берди.

Мамлакатнинг икки бор чемпиони «Андижанка» (Андижон) коллективи бу йилги мамлакат чемпионатини ўта қониқарсиз ўтказяпти. Биринчилик ёшқадами Москванинг СКИФ командаси билан бўлган икки учрашувда ҳам андижонлик хоккейчи қизларнинг омади келмади. Улар дастлабки учрашувни 0:4 ҳисобида бой беришган бўлса, такрорий беллашувни янада йирик ҳисобда (1:5) ютқазиб қўйишди. Бу маглубиятлардан кейин «Андижанка»нинг мавқеи янада ёмонлашиб, ўйинлар жадвалида қуйи погоналарга тушиб кетди.

Ана шу учрашувда команда ветеранлари Ҳайдарова билан Хамларгина яхши ўйнашди. Аммо уларнинг ёш дугоналари ташқадамлар ҳужжатларини бардош бериша олмадилар.

Эндиги бошқа матчлар қандай тугаганлигини эслатиб ўтамиз. Иккинчи ўринда бораётган Москва областининг «Спартак» клуби хоккейчилари ўз ҳамшаҳарлари «Крилья Советов» командаси билан бўлган икки учрашувдан уч очко олишга муваффақ бўлишди.

Олмаота шаҳрида маҳаллий «Связист» ва «Спартак» (Москва) командалари ўртасидаги икки учрашувдан биринчи майдон эгалари, иккинчисини меҳмонлар ютишди. «Связист» (Боку) — «Колос» (Борисполь) баҳслари шундай тугади: 1:0, 0:1.

ШАХМАТ

ЗОНАЛАРАРО ТУРНИРДА

Маълумки, шу кунларда Мексиканинг Толука шаҳрида жаҳон биринчилиги учун зоналараро шахмат турнири давом этмоқда. Ўнда мамлакатимизнинг тўрт вакили иштирок этишяпти.

Ҳозиргача зоналараро турнирда тўққиз тур ўтказилди. Навбатдаги турда собиқ жаҳон чемпиони Спасский устидан ғалаба қозонган венгриялик гроссмейстер Лайош Портиш биринчи ўринда боряпти. Унинг ҳисобидаги очколар 6,5 тага етди.

Филиппин вакили Торре бу турда америкалик ёш гроссмейстер Сейраван билан учрашиб, уни таслим бўлишга мажбур қилди. Натижада ундаги очколар олтитага етиб, иккинчи ўринга чиқиб олди.

Бу тур мамлакатимиз вакиллари Полугаевский билан Юсуповлар учун муваффақиятли бўлди. Улар ўз рақиблари Родригас билан Қуатлиларни маглубиятга учратиб, қимматли очколарни ўз ҳисобларига ёздилар. Балашов эса югославиялик шахматчи Хулакка ютқазиб қўйди.

ШАЙБАЛИ ХОККЕЙ

ЧЕМПИОНАТ ОЛДИДАН

Шайбали хоккей бўйича мамлакат чемпионати бошланадиган кунлар тобора яқинлашмоқда. Шу кунларда кўпгина коллективлар мавсумолди тайёргарлигини кўряпти.

Сентябрь ойининг бошларида «Советский спорт» газетаси соврини учун ўтказиладиган хоккейчиларнинг анъанавий халқаро мусобақалари мавсумга тайёргарлик кўришда муҳим босқич бўлади. Бу мусобақалар мамлакатимизнинг уч шаҳри — Ленинград, Киев ва Рига да ўтказилади.

Ленинград шаҳрида мамлакатимизнинг бир неча бор чемпиони ЦСКА, «Торпедо», маҳаллий СКА, «Химик», Финляндия ва Руминия командалари; Киев шаҳрида «Спартак» (Москва), маҳаллий «Сокол», «Трактор», «Салават Юлаев», ГДР ва Польша командалари; Рига шаҳрида маҳаллий ва москвалик динамочилар, «Ижсталь», «Крилья Советов», Чехословакия ва Финляндия командалари ўйнашади.

КАПТАРИМ, ОҚ КАПТАРИМ

Каптарим, оқ каптарим,
Нияти пок каптарим.
Тинчлик истаб жаҳонга,
Уч, қанот қоқ, каптарим!

Эзгу сўз бор жаҳонда,
Тинчликсевар инсонда.
У зид қонли урушга
Ерда, сувда, осмонда.

Бу сўз тинчлик сўзидир,
Гул ҳаётнинг ўзидир,
Келажакдан умидвор
Миллионларнинг кўзидир.

Бу кўзлардан олиб куч,
Бутун қитъа бўйлаб уч.
Бизнинг элдан салом айт,
Қардошларга келсанг дуч.

Дегин, Совет диёри
Инсоният баҳори,
Улуғ Ленин юрти бу,
Дўстлик, тинчлик шиори.

Нейтрон —қирғин қуроли,
Муаласи тоғ мисоли.
Дегин, ўтда ёнмасин
Ерда ҳаёт ниҳоли.

Хиросима даҳшати,
Нагасаки вахшати.
Дегин, такрорланмасин
Яна уруш кулфати!

Баланд парвоз каптарим,
Уча бер соз, каптарим.
Кўксингни ўқ тешолмас.
Кенг қанот ёз, каптарим!

Каптарим, оқ каптарим,
Юраги пок каптарим!

Арслон УМАРОВ,
Улуғ Ватан уруши ветерани. Бўка районидаги 24-мактаб ўқитувчиси.

Тошкент циркида янги мавсумни ленинградлик санъаткорлар бошлаб беришди. Тарихий ва ҳозирги замон сюжетларидан тузилган программалар пойтахтимиз цирк томошабинларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Мана, бир неча кундирки, А. С. Пушкининг «Руслан ва Людмила» эртак-поэмаси асосида тайёрланган қизиқарли программа намойиш этилиши.

СУРАТЛАРДА: 1. «Руслан ва Людмила» пантомимасидан бир лавҳа. Руслан — артист Александр Грэнько, Черномор—артист Игорь Коипачев. 2. Ўз чиқишлари билан томошабинларда катта таассурот қолдираётган масхарабозлар Михаил Плиска ва Артур Арутюнов манежда.

Ф. Қурбоновоев фотолари.
(ЎзТАГ).

ҲАР ТЎҒРИДА

РЕЙН ҚИРҒОҚЛАРИДАГИ РИМЛИКЛАР КЕМАСИ

Рейн қирғоқларида археологик қазишмалар олиб борилаётганда Майнц шаҳри яқинида римликларнинг яхши сақланиб қолган кемаси топилди. Шуниси диққатга сазоворки, кеманинг фақат ёғочдан ишланган бўлакларигина эмас, балки металлдан тайёрланган қисмлари ҳам чиримай яхши сақланган.

Бу кеманинг узунлиги 10 метр, эни 2 метр. У бизнинг асримиз бошларида қурилган ва ўша вақтдаги кемаларни қуриш усулларини яққол кўрсатиб турибди. Қадимги вақтларда қурувчилар темир деталларни ва михларни занг босишдан қандай қилиб сақлашганийкин? Маълум бўлишича, уларнинг ҳаммаси қўрғошин билан қопланган экан.

ҚУЁШСИЗ ҲАЁТ

Тинч океанида, 2620 метр чуқурликда, қуёш нури тушмайдиган қоронғулик қаърида ҳаёт мавжуд экан. Океан чуқурликларини тадқиқ қилиш учун махсус жиҳозланган унча катта бўлмаган сув ости қайиғининг чироқлари нурида уч нафар америкалик олим улкан чаганоқларни, рангсиз қисқичбақаларни, шу пайтгача номаълум бўлган балиқларни кўрди. Италиянинг «Эуропео» журнали бу ҳақда ёзади.

ХАЗИНА ИЗЛОВЧИЛАР

Маълум бўлишича, 50 минг француз яширилган металларни аниқлайдиган кичик электромагнит детекторларига эга экан. Улар бўш вақтларида хазиналарни ёки ўт-ўланлар ичида йўқолган тангаларни излаш билан машғул бўлишади. Ишу даражага бориб етдики, деб ёзади «Экспресс» ҳафталиги, Франциянинг маданият министрлиги хазина изловчиларни миллий парклар ва бошқа дам олиш жойларига знён етказишда айблади.

ОКЕАН ОСТИДАГИ БОЙЛИК

Мексикалик олимларнинг тасдиқлашича, Қуйи Калифорния, Веракрус, Кинтана Роо ва бошқа штатларнинг қирғоқларидаги океан остида жуда катта руда бойликлари бор. Уларнинг фикрича, мамлакатнинг Тинч океанига туташ қирғоқларида темир рудасининг 263 миллион тонна запаслари аниқланган.

АСАБНИ ТИНЧЛАНТИРИШ УЧУН

Япониялик Хидеки Тангюшининг корхонасида барча хизматчилар ҳар соатда эснаб туришга мажбурдирлар. Корхона хўжайини мунтазам равишда эснаб туриш асабларни тинчлантиришга катта ёрдам беради деб қаттиқ ишонади. Бунга хоҳиши бўлмаган кишилар ҳам эснаб туришлари учун Тангюши ўз корхонасита завқ билан эснаш овозлари ёзиб олинган махсус микрафондарни ҳам ўрнатган.

КИТОБ ЎҒРИЛАРИГА ҚАРШИ

Инглиз мутахассислари кутубхоналарни ўғрилардан сақлашнинг ўзига хос оригинал системасини яратдилар. Ҳар бир китобга металлдан тайёрланган пластинка жойлаштирилади. Кутубхонадан чиқаверишда махсус қурилма ўрнатилган бўлиб у ёки бу китобни олиб чиқиб кетишга ҳаракат қилинаётганда ҳалигги металл пластинканинг таъсирида огоҳлантириш чироғи ёнади ва роботдан «Ўғри тўхта! Китобни жойига қўй» деган овоз эшитилади.

ТАРБИЯВИЙ ЧОРА

Франциянинг баъзи шаҳарларида полиция интизомсиз ҳайдовчиларни тарбиялайдиган янги тартибни жорий этди. Эндиликда интизомсиз ҳайдовчиларга оғир оқибатларга олиб келган йўл ҳалокати ҳодисалари акс эттирилган фотографиялар берилади ва улар бу суратларни кўрганлари жойда маълум вақт ичида қўлларида тутиб туришга мажбурдирлар.

(ТАСС).

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

Телевидение

ЧОРШАНБА

25 АВГУСТ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Киносаёҳатчилар клуби».
10.40 «Катта ҳаёт». Бадиий фильм.
12.00 «Усмирлар ижоди».
12.25 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Дўстларимиз экрани». Социалистик мамлакатлар телевидениелари ҳужжатли фильмлари программаси.
16.40 Болалар учун фильм.
17.15 «Горнчилар, каердасиз!».
18.00 РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Наседкин чалади (фортепьяно).
18.30 «Ангарадаги ўрмон химияси гигантлари». 2-кўрсатув.
19.00 «Тонгги қўшиқ». Мультфильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Рус жилолари» халқ чолғу оркестрининг концерти.
19.55 «Рубенс — рассом ва дипломат». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1- ва 2-серия лар (Бельгия — ГФР).
21.30 «Время».
22.05 «1982 йил қўшиқлари».
22.50 «Дунё воқеалари».
23.05 Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақида илмий-оммабоп фильмлар программаси.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Н. П. Горбунов. Биографиясига чизгилар». Илмий-оммабоп фильм.
19.00 «Қишлоқ янгиликлари».
20.00 «Ерда, самода ва денгизда».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Майор Земан билан содир бўлган ўттиз воқеа» туркумидан. «Даҳшат». Телевизион бадиий фильм премьераси (ЧССР).

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «Артек» табассуми». Болалар учун фильм-концерт.
12.00 «Том тоғанинг кулбаси». Болалар учун телеспектакль (рус.).
14.15 «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 8-серия.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Сариқ тумшуқли Пики». Болалар учун мультфильм.
18.20 «Қизилқумни сахро деб атама». Ҳужжатли фильм.
19.10 «СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта». «Ташсельмаш» заводидан репортаж.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Узбекистон ССР Давлат телевидениеси ва радиоси бадиий коллективларининг концерти.
20.30 «Ахборот».
20.50 Концерт (давоми).
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Биз қандай кийинамиз».
22.25 «Бугун оламда нима гап!». Халқаро ҳаёт кундалиги.
22.40 «Автомобилдан сақланинг». Кинокомедия.
00.10 Янгиликлар.

«ҚИШЛОК ҲАҚИҚАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Р. — 16503.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41*

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 33-44-43 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретари — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-28. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефони станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64543. А. 1096. 12